Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 28 февраль, чоршанба • № 17 (10.792) • Эркин нархда сотилади

Навруз

БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛИК

24 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда пойтахтимиз Тошкентда ва вилоятларда байрамга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, вазирлик ва идоралар, корпорация ва уюшмалар, тегишли ташкилотлар раҳбарларининг шу масала хусусидаги ахборотлари тингланди.

Мамлакатимизда 21 март куни кенг нишонланадиган Наврўз тантаналарига қизғин ҳозирлик кўрилаётгани, бу борада ҳозирданоқ катта ҳажмда иш амалга оширилгани таъкидланди. Шу билан бирга, бу ишни ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек деб бўлмаслиги, уни янада жадаллаштириш зарурлиги уқтирилди. Пойтахтнинг Мустақиллик майдони, Халқлар дўстлиги саройи, Хадра, Алишер Навоий номидаги театр, Ўзбекистон Миллий боғи, Улуғбек ва Ҳамид Олимжон майдонлари, Сайлгоҳ кўчаси, Амир Темур хиёбони ҳамда бошқа жойларда ўтказиладиган тадбирларнинг аниқ дастури ишлаб чиқилиши лозим. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни авж олдириш, айём шарафига эсдалик совғалари ва нишонлар чиқариш, озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари билан савдо қилувчи ярмаркалар ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Мажлисда Наврўз умумхалқ байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш, бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги айтилди, мазкур ишга мутасадди ташкилотлар раҳбарларига бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов, Р. Юнусов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

БИЗ СЕНИ СОҒИНДИК!

ҲАР қачонгидек Зангиота тумани меҳнаткашлари ҳам анъанавий байрам — Наврўзга пухта ҳозирлик билан бормоқдалар. Жамоа хўжаликларида кўкламги ишларни бошлаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Техника созлиги, уруғни ҳозирлаш жараёни, суғориш иншоотлари билан боғлиқ тармоқлар кўздан кечирилди.

Туман маданият ишлари бўлими айёмга кўраётган тараддуди ҳам эътиборга лойиқдир. Бу ҳозирлик «Сени соғиндик биз, Наврўзи олам» мавзуига бўйсундирилган.

Маданий муассасалар дасталари бу тантанага янги дастурлар тайёрлашмоқда. Ижро этиладиган куй ва қўшиқларда Ватан меҳри, истиқлолни шарафлаш, заминга муҳаббат мавзулари ўз ифодасини топади.

Шунингдек, байрамга қурувчилар ҳам муносиб туҳфа билан боришмоқда. Йилдан—йилга гўзаллашаётган туман маркази ҳамда қишлоқларда янги савдо, маиший хизмат шахобчалари фойдаланишга топширилиш арафасида. Хусусан, айём кунлари олдидан «Ёнғоқ» маиший хизмат кўрсатиш мажмуи мижозларига эшикларини очади. Эшонгузарликлар орзиқиб кутаётган савдо уйи, новвойхона ҳам айёмга қурувчилар ҳадя этадиган муносиб туҳфадир.

Кейинги йилларда туман хўжаликларида янги иш жойларини очишга эътибор ортиб бораётир. «Иттифоқ» жамоа хўжалигида қурилаётган сут маҳсулотларини қайта ишлаш кичик корхонаси ана шундай даргоҳлардан бири бўлиб, умумхалқ шодиёнаси куни ўз фаолиятини бошлайди.

Ишчи ўринларини кўпайтиришга астойдил киришган «Нур» фирмасининг орзуси ҳам ушалмоқда. Фирма жамоаси макарон цехи қурилишини ниҳоясига етказмоқда. Байрам арафасида бу цех ишчиларни ўз бағрига олади. «Назарбек» жамоа хўжалигидаги «Камрон» фирмаси аъзолари эса савдо-маиший мажмуида сўнгги пардозлаш ишларини олиб боришяпти.

Хуллас, туманда умумхалқ шодиёнасини юксак уюшқоқлик ва кўтаринки кайфиятда ўтказиш учун тайёргарлик қизғин.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

УН ХАЛТАЧАЛАРДА ТАШИЛАДИ

Бозор иқтисодиёти бизни эскича иш услубларидан воз кечиб, иш юритишнинг янги, тезкор ва қулай йўлларини излаб топишга ҳам ўргатмоқда.

«ОҲАНГАРОНДОН» ҳиссадорлик жамияти унни қадоқлаб, махсус халтачаларда дўконларга чиқаришни жорий этди. Туман ва шаҳар дўконларига уннинг бу тарзда пешма-пеш етказиб берилиши харидорларни мамнун этмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти иш юритишнинг бундай усулларини келгусида янада такомиллаштиришни режалаштирди.

РЕСПУБЛИКА маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлими ташаббуси билан Паркент туманида буюк бобомиз Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Бобур номидаги Халқаро жамғарма раиси Зокиржон Машарипов сўзга чиқиб, Амир Темур ва унинг авлодлари ҳақида маъруза қилди.

СОҲИБҚИРОНГА БАҒИШЛАНДИ

Ёзувчи ва шоирлар — Хуршид Даврон, Хайриддин Султонов, Турсуной Содиқовалар соҳибқирон ҳаёти ҳақида қизиқарли лавҳалар, ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Туманнинг «Паркент гуллари» халқ ансамбли аъзолари Ватан, халқ, мустақиллик ҳақидаги қўшиқ ва композицияларни ижро этишди. Тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Оқмирза АННАҚУЛОВ.

МАВСУМГА ТАЙЁР

КУНЛАР илиб қолди. Даласини соғинган деҳқонлар экиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Юқоричирчиқ туманидаги «Юқоричирчиқ» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси механизаторлари 11 та сеялка, 8 та культиватор ва 8 та тракторларни экиш мавсумига шай қилиб қўйдилар. Сифат комиссияси уларни яхши баҳолар билан қабул қилиб олди. Механизатор Х. Усеинов ва К. Қўнғирбоев, механик С. Ўтенбоевлар бу ишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Улар ўзлари бошқарадиган барча техника воситаларини аъло сифат билан таъмирлаб, ҳозир ҳамкасбларига ёрдам кўрсатмоқдалар.

ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАН КОРХОНА

ОЛМАЛИҚдаги автобус-таксомотор парки «Тошвилоятйўловчитранс» концернидаги пешқадам корхоналардан бири. Бу ерда кейинги бир йилда 9,5 миллион сўмлик фойда олинди. Бугина эмас, корхона аъло хизмати билан аҳолининг миннатдорчилигига сазовор бўляпти.

Автотранспорт корхонаси шаҳардаги қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан яқиндан алоқа боғлаб, иш олиб бормоқда. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси транспорт корхонасига 400 та аккумулятор ва 100 та автомобиль шиналарини текинга берди. Корхона маъмурияти жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг барча усулларидан самарали фойдаланяпти. Уларга корхонанинг акцияларини сотиб олишлари учун моддий ёрдам кўрсатмоқда. Бундан ташқари пенсионерлар, фахрийлар ва илғорларга 1627 та имтиёзли акциялар сотилди. Корхона ўтган йили ўз ходимларига 700 минг сўмдан кўпроқ ёрдам берди.

Рафиқжон РАҲИМОВ.

25 МИЛЛИОН КУБ МЕТР ТЕЖАЛДИ

АНГРЕНДАГИ давлат туман электр станцияси сувни кўп истеъмол қилувчи нурхона ҳисобланади. Ҳар йили буғ ҳосил қилиш ва ишлаш давомида қизиб кетадиган узелларни совутиш учун миллион куб метрлаб оби-ҳаёт сарфланади. Фойдаланилган сувнинг айрим қисми қайта совутилиб яна ишлатилади. Лекин, шунга қарамай унинг уй-жойларни иситиш учун юборилганидан ортиб қолган анчагина қисми оқизиб юборилар эди.

Ўтган йили изланувчиларнинг таклифи билан бу сувни махсус канал орқали Янги Тошкент ДТЭСига юбориш йўлга қўйилган эди. Станцияда иссиқ сув катта ҳажмли махсус идишлар — градирняларда совутилиб, технологик жараёнларда фойдаланиладиган бўлганди. Биргина шу тадбир туфайли ўтган йил давомида 25 миллион куб метр ҳажмидаги сув тежаб қолинди. Шу йилнинг ўтган икки ойида эса бир неча миллион куб метр оби-ҳаёт иқтисод қилинди. Бундан юзларча минг сўмлик фойда кўрилди.

Собир МАҲМУДОВ.

«БЕКОБОДЦЕМЕНТ» давлат ҳиссадорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида ҳорижий шериклар топишга ҳам интилмоқда. Шу мақсадда Чехословакиянинг «Компрода — ЛТД» фирмаси билан ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Ушбу суратда корхона раисининг ўринбосари Б. Ибобеков, корхона раиси И. Қурбонов, «Ўзқурилишматериаллари» мутахассиси С. Мачигин, Чехославкиянинг «Компрода — ЛТД» фирмаси президенти В. Тиешева ва унинг ёрдамчиси М. Майхерларни ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзолаш пайтида кўриб турибсиз.

Т. МАХКАМОВ, Н. МАХКАМОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИЯЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ИЗЧИЛ КЕЧМОҚДА

Хабар қилинганидек, БМТнинг тараққиёт дастури (БМТТД) миссияси уч ҳафта илгари Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Ташрифдан мақсад — Ўзбекистондаги вазиятни ўрганиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишлар билан танишиш ниҳоясида шаклланган хулосалар асосида мамлакатимизга мос дастур таклиф этишдир.

БМТТДнинг Ион Попеску раҳбарлигидаги делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашиб, мамлакатимиз ҳақидаги дастлабки хулосалари билан ўртоқлашди.

— Биз уч ҳафта мобайнида республиканинг турли жойларида бўлиб, элликдан ортиқ учрашув ўтказдик, Ўзбекистондаги вазият билан батафсил танишдик, — деди Ион Попеску, — расмий доиралар, жамоатчилик вакиллари билан бўлган учрашув ва мулоқотлар чоғида бу ердаги ютуқ ва муаммолар, эҳтиёжлар ҳақида етарли маълумот олдик.

Сафардан асосий муддао — республикада кечаётган демократиялаш жараёни ривожига, бошқарув тизими, умуман, фуқаролик жамиятини такомиллаштиришга кўмаклашишдан иборат. Шу боис, сафар хулосалари асосида муайян тавсияномалар тақдим этамиз.

БМТТД делегацияси раҳбари Ўзбекистоннинг мустақилликка эришилганидан буён ўтган қисқа вақт ичида жамиятни демократиялаш йўлида салмоқли силжишни амалга оширганини эътироф этди. У айни пайтда мамлакатимиз демократик тузумга ўтиш даврининг уч босқичини бошидан кечираётганини, бу давр давлатчиликни ва давлат тизимини, ҳуқуқий нормаларни ривожлантириш, марказлашган эскича ишлаш усулидан бутунлай воз кечиб, янгича бозор муносабатларига ўтиш, шунингдек, жаҳон бозорига дадил кириб бориш билан ажралиб туришини таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари дадил одимламоқда. Жаҳондаги йирик мутахассислар томонидан юксак баҳоланаётган янги Конституциямизнинг қабул қилингани, турли демократик муассасалар фаолият юритаётгани, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ифода этувчи ва уни ҳимоя қилувчи халқаро шартномаларга амал қилаётгани бунинг далилидир.

БМТТД миссияси Ўзбекистонга тавсия этилажак дастур мамлакатда демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кенгайтиришни кўзда тутади. Миссия бу борада техник ёрдам кўрсатиш ва ушбу дастурининг молиявий таъминотини ҳам ўз зиммасига олиш ниятидалиги таъкидланди. Дастур икки босқичда амалга оширилади. Илк босқич 1996 йилнинг июлидан 1997 йилнинг июлигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда асосий эътибор Конституциявий суд, Олий суд, Прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги сингари ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятини янада мукаммаллаштиришга қаратилади.

Иккинчи босқич эса 1997 йилдан 2000 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Унда қонун чиқарувчи ҳамда бошқарув тизимларига ёрдам кўрсатиш юзасидан тадбирлар белгиланади.

БМТ Тараққиёт дастури миссияси тавсияномалари асосида амалга ошириладиган тадбирлар мамлакатимизда жамиятни демократлаш жараёни ривожига катта ҳисса қўшиши аниқ.

(ЎзА).

МУБОРАК ҲАЖ САФАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Тошкентда муборак ҳаж сафарини ташкил этиш юзасидан тузилган республика ички комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг бу соҳага масъул ўринбосарлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатимиз фуқароларининг виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, уларнинг иймон-эътиқодли, ватанга садоқатли инсонлар бўлиб етишишлари учун катта ғамхўрлик қилаётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан имзоланган Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарори бу борада муҳим қадам бўлгани қайд этилди.

Мазкур қарорда муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузиш, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини одилона ҳамда холисона қондириш, бу жараёнда ҳар томонлама адолатни таъминлаш масъулияти тўлалигича Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасаддди вакиллари зиммасидалиги таъкидланган. Йиғилишда ушбу юксак ишончни ёруғ юз билан оқлаш зарурлиги, зеро мамлакатимиз раҳбарияти ҳаж сафарини адо этишда кўплаб имтиёзлар яратаётгани айтиб ўтилди.

Шуни қайд этиш лозимки, Рамазон ҳайитининг илк кунида эълон қилинган мазкур қарорга асосан валютанинг имтиёзли алмаштирилиши туфайли зиёрат харажатлари ҳар бир киши ҳисобига қарийб 10 минг сўмга арзонлашди. Ўзбекистонлик ҳожилар учун, хусусан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси енгил тарифлар жорий қилди. Уларга бошқа қатор имтиёзлар ҳам белгиланган.

1996 йил апрель ойида мамлакатимизнинг 3500 нафар ёки ўтган йилдагига нисбатан 500 нафар кўп иймон-эътиқодли фуқароси муборак ҳаж зиёратини амалга ошириш, Макка ва Мадинадаги муқаддас қадамжоларни тавоф айлашда мазкур имтиёзлардан фойдаланиш имкониятига муяссар бўладилар.

Йиғилишда Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасига ҳаж сафарини ташкил қилишда ҳар томонлама ёрдам бериш борасида дин ишлари бўйича қўмита, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа бир қатор идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

(ЎзА).

ДАВОС АНЖУМАНИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

III. Юрган дарё, дейдилар ёхуд Ўзбекистоннинг қандай қилиб жаҳон иқтисодиётига қўшилаётгани ҳақида

Мамлакатимиз улкан ислоҳотлар арғимчоғида дадил «учди». «Учган»да ҳам ўзининг каттагина иқтисодий салоҳиятига таяниб «учди». Давлатнинг иқтисодий сиёсати тобора жиддийлаша борди-буни хусусийлаштириш бўйича ташланган кескин дадил қадамдан ҳам билса бўлади. Дастлабки эҳтиёткорона муносабат («фалаж қилиб даволаш» усулига умид боғламаган ҳолда), ўрнини воқеалар ривожи кафиллик берган асосий, устивор йўналишлардаги ўзгартишлар стратегияси эгаллади. Бундай ёндашув иқтисодиёт тузилмаларини умуман қайта қуришнигина эмас, биринчи навбатда сармоялар ва кредитлар фаоллигини рағбатлантириш вазифасини асосий ўринга қўйган ҳолда унинг халқаро молиявий соҳасини, бутун ташқи иқтисодий фаолият тизимини «етаклаб» кетди. Экспертларнинг бозор янгиланишлари молия соҳасида бутунлай ва тўла намоён бўлиши хусусида маълум фикри мавжуд. Чунки сармоя жараёнлари айнан мана шу соҳа орқали ўтади.

«Давос — 1996», назаримда, масалани мана бундай таҳлитда ҳам қўйди. Хўш, Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига қўшилаётган экан, бу мислсиз жараённинг концепцияси қанака, унинг мезонлари ва босқичлари нималардан иборат? Бу ўринда бир нарса шак-шубҳасиз: Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тез сурьатлар билан қўшилиши иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, уни бозор йўлига солиш муаммоларининг муваффақиятли ҳал этилиши билан чамбарчас боғликдир. Бу босқич нуфузли халқаро молиявий — иқтисодий тузилмалар билан кўп томонлама ва кенг миқёсдаги алоқаларни ўрнатиш ҳамда бу алоқаларни муваффақият билан ривожлантириш асосига қурилган, албатта. Бироқ улар билан «дўстлашиш» учун буни исташнинг ўзигина кифоя қилмайди, балки улар билан амалий муносабат ўрнатиш даражасига «ўсиб чиқиш» ҳам керак. Бошқача айтганда, бутун бир кафолат тизими мавжудлигини таъминлаш талаб этилади. Халқаро мажбуриятлар ва талаблар даражаси эса жуда-жуда баланд. Шу сабабли «тенгма-тенг» гаплашиш учун ҳам вақт, ҳам жаҳон иқтисодиётига қўшилаётган давлатларнинг тинмай интилиши талаб қилинади.

Бу йилги Давос учрашуви бу маънода маълум якун ясади. Ўзбекистон тенг ҳуқуқли шерик, барча энг машҳур халқаро молия ташкилотларининг аъзосига айланди. Мамлакатимиз улар билан амалий мулоқот олиб бормоқда. Бугунги кунгача эришилган ахдлашувлар яхши самара бера бошлади. Мисол учун, ўтган йили халқаро валюта жамғармасидан биргаликда ишлаб чиқилган тизим янгиланишлари дастури (СТФ) доирасида етмиш миллион АҚШ долларидан кўпроқ мablaғ олинган эди. Бу маблағ тўласи-ча миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг ички конвертациясини оширишга сарфланди. Бу пуллар ҳозир бизнинг иқтисодиётимизга хизмат қилмоқда, хизмат қилганда ҳам яхши хизмат қилмоқда. Бу ўринда бошқа нарсани таъкидлаш лозим: ўта нуфузли молиявий шеригимиз Ўзбекистон томонининг олинган мажбуриятларни муваффақият билан ва сўзсиз бажараётганини расмий равишда қайд этди.

Бошқа бир сармоядор, Ғарбий Европадаги энг йирик компаниялардан бири — «АББ»нинг президенти Перси Барневик Давосда бундай деди: «Молия оламида Ўзбекистоннинг обрўси жуда баланд, чунки бу мамлакат юксак тўлов қобилиятига эга ҳамда хорижий кредитлар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширмоқда». («Жаҳон иқтисодий анжуманининг расмий хабарномаси. Давос, 1996 йил, 2 февраль) деб ёзди.

«Эшитгиси келган одам эшитади, кўргиси келган одам кўради», дейилади халқ мақолида. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги замонда бундай обрўни қозониш ҳазилакам гап эмас. Менинг Давосдаги ҳамсуҳбатларим бу фикрда ҳам якдил эдилар. Шунинг учун ҳам, агар халқаро валюта жамғармаси ва «АББ»нинг эътирофи ғарб ҳақиқатан ҳам му-

(Давоми 2-бетда).

III. Юрган дарё, дейдилар

ёхуд Ўзбекистоннинг қандай қилиб жаҳон иқтисодиётига қўшилаётгани ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

носиб амалий шерик топди, дейишга тўла асос бўлади, десам, назаримда, янглишмайман. Бу шерик эса — бизнинг мамлакатимиздир.

«Бизга ёрдам керак эмас, бизга тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали шериклик керак, — деди Президент Ислом Каримов Давосда. — Биз хорижий сармоядорлар билан амалга оширилаётган йирик лойиҳаларга ўзимизнинг салмоқли улушимизни қўшиб, буни амалда исботлаяпмиз».

СТФ дастурининг бирданига, 1995 йилнинг декабрида муваффақиятли амалга оширилгани халқаро валюта жамғармаси билан карийб бир юз тўқсон миллион АҚШ доллари миқдорида «Стенд-бай» кредити деб аталмиш янги кредит битимини тузиш имконини берди. Бу маблағ бу йил республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Қачондир эски изоҳли луғатлардан бирида: «банкир — пул сотадиган савдогар» деган таъриф ўқиган эдим. Агар пул ҳам бошқа ҳар қандай товар сингари уйилиб ётишни ёқтирмаслиги ҳисобга олинса, бундан аниқроқ таърифни топиш қийин. Пул «ишлаши» керак. Уни бу бунёдкорона «иш» билан жаҳон банклари таъминлайди. Айнан мана шу маънода, Ўзбекистон билан жаҳон банки ўртасида муваффақият билан ривожланаётган муносабатларни ўта самарали, деб баҳолаш мумкин.

Сиз катта банкка суянган бўлсангиз, демак, ишингиз жойида экан, деган ҳақиқатни эсга олайлик. Бу гапни давлатларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Демак, жаҳон банкинигг эътироф этилган ишончи мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига мувоффақиятли қўшилишининг яна бир гаровидир. Жаҳон банки томонидан ажратилган йигирма бир миллион АҚШ доллари миқдоридаги қарздан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чоратадбирларини амалга оширишда ва иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда, корхоналарни ислоҳ этишда, ислоҳотларнинг ҳуқуқий ва меъёрий негизини ривожлантиришда муваффақиятли фойдаланилмоқда. Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига бевосита қўшилишига «хизмат қилаётган» яна бир рақамни келтираман. Жаҳон банки Ўзбекистонга қайта тиклаш заёми тариқасида ажратган бир юз олтмиш миллион АҚШ долларидан республика валюта биржасида энг янги технологияларни четдан сотиб олиш, зарур истеъмол молларини харид қилиш, хорижий сармоядорларга улар олган фойдаларни жўнатиш мақсадида қаттиқ валютага алмаштириб бериш учун валюта ресурсларининг манбаи сифатида фойдаланилади.

Жаҳонда олтин қазиб чиқаришда еттинчи ўринда турган ҳамда нефт, газ ва бошқа табиий ресурслар захиралари жиҳатидан жаҳондаги дастлабки 10 та мамлакат сафидан ўрин олган, молиявий обрўси юқори бўлган давлат тенг ҳуқуқли шерикдир. Ўзбекистон жаҳон банки билан биргаликда амалга оширилаётган сармоя лойиҳаларида ана шундай тенг ҳуқуқли шерик бўлмоқда. Пахтага доир лойиҳа биргаликда амалга оширилган лойиҳаларнинг дастлабкиси бўлди. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимизда етиштирилаётган пахта сифатини оширишга, ғўза селекциясини яхшилашга, суғориш тизимларидан самарали фойдаланишга қаратилган. Айни пайтда жаҳон банки билан биргаликда умумий қиймати деярли етти юз миллион АҚШ долларига тенг бўлган яна бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳалар қишлоқ хўжалигини хусусийлаштириш ва ислоҳ қилиш, унинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, қишлоқ жойларда ёрдамчи тармоқларни ривожлантириш каби муҳим соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилади.

Нуфузли халқаро анжуманларда иштирок этган кишилар журналистлар «штаб»и — матбуот марказидаги гавжумликка эътибор бермаслиги мумкин эмас. Замонавий электрон-компьютер жиҳозлар ва анжуман ташкилотчиларининг ҳар томонлама манфаатдорлиги туфайли бу ерда журналистларнинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратилади. Янгиликлар, айниқса «бирламчи манба»лардан олинган янгиликлар бир зумда бутун дунёга тарқалади. Давос ҳам бундан истисно бўлган эмас. Давосда ишлаётган, барча қитъалардаги оммавий ахборот воситалари вакиллари шов-шувга сабаб бўладиган вазиятни дарров илғаб олиб, бу вазиятлар ҳақида ўз нашрлари орқали дарҳол фикр билдиришади.

Менинг назаримда, диққатга сазовор бир тафсилот: Европа газеталари мухбирлари хабарларининг асосий мавзуси йирик сармоя лойиҳалари теварагида бўларди. Шу жиҳатдан қараганда Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки (ЕҚТБ) орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган сармоя сарфлаш йўналишлари матбуотда жуда истиқболли йўналиш деб эътироф этилди. Ҳозирги вақтда ЕҚТБ Ўзбекистонда умумий қиймати беш юз йигирма миллион АҚШ доллари миқдоридаги еттита йирик лойиҳани амалга оширишда иштирок этмоқда. ЕҚТБнинг бу ердаги маблағи икки юз эллик миллион долларни ташкил этади. У аввало жаҳондаги ўн тўртта етакчи тижорат банки билан биргаликда олтинни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасини барпо этишни пул билан таъминлашда иштирок этмоқда. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнеси ривожлантиришга кредит бермоқда, савдони молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

ЕҚТБ халқаро молия корпорацияси, Малайзиянинг «Мейбанк» банки республикамиз ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда Ўзбекистонда ташкил этган дастлабки лизинг компанияси ҳар жиҳатдан истиқболлидир.

Умуман ЕҚТБнинг Ўзбекистоннинг молия бозорига қўйган салмоқли қадами Давос анжумани иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Юқорида санаб ўтилган лойиҳалардан ташқари мазкур банк иштирокида умумий қиймати беш юз миллион АҚШ долларига тенг яна бир неча лойиҳа кўриб чиқилаётгани маълум қилинганидан кейин бундай қизиқиш табиий, албатта. МДҲ давлатлари орасида ЕҚТБ кредитларини жалб этиш жиҳатидан Ўзбекистон Россиядан кейин иккинчи ўринда тургани ҳам бежиз эмас.

Ҳа, пул «ишлаши» керак. Хорижий молиячилар буни яхши билади. Республикамиз аъзо бўлган Осиё тараққиёт банки ҳам ўз маблағларини Ўзбекистонда фаол «ишлатиш» мумкинлигини кўриб турибди. Бу банк ҳам мамлакатимиз томонидан таклиф этилган истиқболли лойиҳаларда иштирок этишга, хусусан Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишга катта ҳисса бўлиб қўшиладиган истиқболли ва қиммат турадиган лойиҳаларда иштирок этишга тайёрдир.

Тошкентда Европа иттифоқи комиссияси (ЕИК) вакиллари бюроси ташкил этилгани ва бу ерда ҳозирги вақтда ЕИК йўли билан таъсис дастурининг эллик миллион АҚШ доллари қийматидаги 29 та лойиҳаси ҳамда давлатлараро дастур бўйича қиймати деярли юз эллик миллион доллар турадиган ўттиз бешта лойиҳа амалга оширилаётгани тўғрисидаги хабар Давос анжумани матбуот марказида рўйхатга олинган журналистларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Анжуманда тарқатиладиган матбуот варақасининг махсус сонларидан бири Президент Ислом Каримовнинг жаҳон бизнеси раҳбарлари билан амалий учрашувига бағишланди. «Ўзбекистон — собиқ Совет худудидаги тараққиёт қутби» деган сарлавҳанинг ўзи ҳам, менимча, кўп нарсани кўрсатиб турибди. Мазкур учрашув тўғрисидаги хабар ҳам сарлавҳадаги мазмунни тўла-тўкис тасдиқлайдиган ғоят ишонарли фактларга тула эди. Учрашувнинг юксак даражада ўтгани бу воқеага қизиқиш қанчалик юқори бўлганини кўрсатди. Давосга келган жаҳондаги барча етакчи банкларнинг раҳбарлари учрашувга ташриф буюрди. Улар орасида Япония экспорт-импорт банки, АҚШ хусусий сармоялар бўйича агентлиги, Чейз Манхэттэн банк (АҚШ), Америкэн интернейшнл групп (АҚШ), Дойче банк (Германия), Берлинер банк (Германия), Барклайз банк (Буюк Британия), Юнион Бэнк оф Свитзелэнд (Швейцария), Кредит свис (Швейцария), Бэнк оф Токио (Япония), Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки (Буюк Британия), халқаро молия корпорацияси (АҚШ) бор эди. Учрашув катта шов-шувга сабаб бўлди. Маълумки, «вақт-пул» деган иборага амал қилиб яшайдиган, бўш вақти бўлмайдиган, бунинг устига анжуманнинг қатъий дастури билан ҳар бир дақиқаси ҳисобли бўлган одамлар, банкирлар бу тахлит бошқа учрашувларда унча иштирок этавермас эди. Журналистлар бундан дарҳол тегишли хулоса чиқаришди: «Ғарб банклари Ўзбекистонга кенг йўл очиб берди», дейишди улар. Бундан тўппа-тўғри келиб чиқадиган яна бир хулоса бундай: «бу мамлакатга ажратиладиган сармоя жуда тезда кўпаяди». Бу ҳақда эртасигаёқ кўп гапирилди ва ёзилди, энг муҳими эса, кўпгина шарҳловчилар бу хулосаларни кўнгилларига тугиб қўйишди.

Хабарларда Президент Каримовнинг қуйидаги: «Бизнинг аниқ белгиланган йўлимиз бор ва биз бу йўлдан оғишмай бораверамиз. Бу — жаҳон иқтисодиётига қўшилиш йўлидир», деган сўзлари ҳам келтирилди.

Мулоҳаза учун бир факт. Айрим ҳисобларга кўра, ҳар йили турли сармоялар учун вақтинча банд бўлмаган бир неча триллион доллар хорижий мамлакатлар ўртасида айланиб юради. Бу рақамга муҳтож давлатларга иқтисодий, техникавий ёрдам ва эзгулик ёрдами тариқасида бериладиган юз миллиарддан ортиқ маблағни қўшиш мумкин. Мисол учун олганда, ишончга сазовор манбаларнинг тасдиқлашича, Россияга ана шу маблағдан йилига атиги 2-4 миллиард доллар келган. Сиёсий, ҳуқуқий хатарлар, ишлаб чиқаришдаги хатарлар, бозор тузилмаларининг ривожланмагани ва бошқа сабабларга кўра Россия халқаро молия ташкилотлари ажратиши мумкин бўлган маблағнинг ярмидан кўпроғини ўзлаштира олмаган. Бошқача айтганда, гап кредит ва сармоя олишда эмас, гап уларни тезда ва самарали ўзлаштира олишдадир.

«Менимча, Ўзбекистон, — деди халқаро молия корпорацияси (АҚШ) ижрочи вице-президенти жаноб Янник Линдбаек, — собиқ Совет худудидаги бошқа давлатлардан фарқли равишда, сармояларнинг самарадорлиги аввало кўпгина омилларнинг йиғиндисига, жумладан макро- ва микроиқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик омиллар йиғиндисига боғлиқ эканини тушуниб, тўғри йўл топиб олди. Бу эса сизнинг мамлакатингизга 1995 йилнинг ўзидагина бир миллиард АҚШ долларидан кўпроқ хорижий кредитларни муваффақиятли ўзлаштириш имконини берди. Бу 1994 йилдагига нисбатан деярли икки ярим баравар кўпдир. Табиийки, бу маълумот Ўзбекистон каби шерикка қатъий ишонч туғдиради. Биз, — деб таъкидлади Я. Линдбаек, — мамлакатингизда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар хусусида умидбахш кайфиятдамиз. Шунинг учун ҳам корпорациямиз келгусида Ўзбекистон таклиф этадиган ҳар қандай лойиҳада иштирок этишга тайёрдир».

Иқтисодиётимизда амалга оширилаётган сармоя лойиҳалари орасида Ўзбекистонда телекоммуникацияларни ривожлантириш алоҳида ўрин тутади. Хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси Япония ҳукумати номидан бу ишга ҳисса қўшмоқда. Бу жамғарма республикамизга 30 йил муддатга 140 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит берди.

Шу ўринда Япония савдо ва саноат вазири ўринбосари жаноб Есихиро Сакамотонинг сўзларини келтирмоқчиман. У ўзининг ҳукумати бир қанча лойиҳалар бўйича Ўзбекистоннинг тобора ривожланиб бораётган иқтисодий иқтисодиётига ёрдам беришдан ғоят манфаатдорлигини таъкидлади. Е. Сакамотонинг фикрича, Ўзбекистон иқтисодиётида кенг маънодаги энергетика айниқса яхши натижа бериши мумкин бўлган соҳадир. «Биз — японияликлар сизнинг мамлакатингиз ўз иқтисодиётини жадал ислоҳ қилаётгани туфайли тез орада бозор иқтисодиётига асосланган, саноатга ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олади, деб ҳисоблаймиз», — деди у.

Аньанага мувофиқ Давос анжумани ўтадиган конгресс-марказ биносида фақат бевосита эмас, билвосита ахборот ҳам олиш мумкин. Билвосита ахборот олганда саволларга жавоб берадиган киши у ерда ўрнатилган компютерлар орқали сўзлайди. Сиз ҳам компьютерлар орқали ўзингизни қизиқтирган маълумотларни, жумладан анжуман иштирокчилари, музокаралар, тузилаётган битимлар, йирик молиявий ва иқтисодий лойиҳалар бўйича маълумотлар олишингиз мумкин.

Ана шундай «электрон» суҳбатдошлардан бири менга қуйидаги рақамларни маълум қилди: жаҳондаги 49 мамлакатнинг 257 банк ва фирмаси Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини очган ва у ерда иш олиб бормоқда.

Чамаси, сиёсатнинг қандайдир «ички» хусусиятлари ҳам бўлади. Аммо иқтисодиёт, айниқса унинг молиявий соҳасида бундай деб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган барча мамлакатлар, саноат тараққиётининг даражасидан қатъий назар, жаҳон бозорида фаолият кўрсатиб, жаҳон хўжалик жараёнларига маълум даражада жалб этилган. Бу йилги Давос учрашуви жаҳон иқтисодий интеграцияси ҳозирги иқтисодий вазиятнинг рад этиб бўлмайдиган тамойилларидан бири эканини ишонарли тарзда кўрсатди. Шубҳасиз, бизнинг мамлакатимиз ҳам бу жуда мураккаб, лекин қонуний тадрижий жараёнга қатъий жалб этилган.

Эркин ФАТТОҲОВ.
Давос-Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

Қибрайда янграган янги қўшиқлар

ЭРТА тонг. «Дўрмон» жамоа хўжалигининг маданият саройи ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Карнайсурнай садолари кишиларни санъат байрамига чорлайди. Бугун бу ерда Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаган «Ўзбекистон Ватаним маним» кўрик танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтади.

Санъат кошонасига киришингиз биланоқ фойега қўйилган халқ ҳунармандчилиги ва амалий дурдоналари кўзингизга ташланади.

Дарвоқе, Қибрай туманида ўтаётган «Ўзбекистон-Ватаним маним» кўрик-танлови бошқа жойлардагидан тубдан фарқ қилади. Унда қўшиқ ижрочилиги билан биргаликда халқ амалий санъати ва саҳна санъатига ҳам эътибор қаратилди. Бу ерда Қибрай маданият уйи қатнашчиси Андрей Лим ижодидан намуналар ҳам жой олган. Унинг сопол ва лойдан ясалган кулолчилик идишлари, турли эртаклар қаҳрамонлари сиймоси акс эттирилган кўғирчоқлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Ганчкор Мурод Сафаров эса шарқнинг буюк алломаси Абу Али Ибн Сино скулптураси ва турли ганч нақшлари билан қатнашди.

Мусиқа асбоблари ясаш устаси Равшан Толипов ва ҳунарманд Ҳайрулла Ҳасановларнинг меҳнатига мансуб санъат асарларини ҳам эҳтиросларсиз томоша қилиш асло мумкин эмас.

Ҳайъат ҳукмига ҳавола этилган дам олиш хонаси учун мўлжалланган стол ва курсилар, болалар кровати, кийим илгичлар кўргазмага ўзгача файз бағишлаган. Уни дўрмонлик ота-бола Шукурулла ва Ҳайрулла Хасановлар танловга олиб келишган.

Шунингдек кўргазмадан Оқковоқ маданият уйи қатнашчиси Саидаҳмад Омаровнинг асарлари ва 4,9, 28-мактабларнинг ўқитувчилари ижодидан ҳам намуналар жой олди.

Кўрик-танловга турли ташкилотлардан ва ўқув юртларидан хилма-хил дасталар ташриф буюришган бўлиб, улар ўзларининг истеъдод ва қобилиятларини ҳайъат ва томошабинлар олдида намойиш эта бошладилар. «Феруз», «Қипчоқ», «Файз», «Ниҳол» гуруҳлари аллақачон эл оғзига тушиб қолган дасталар ҳисобланишсада, бу танловга улар ўзгача тайёргарлик билан келганликларини амалда исботладилар. Ҳайъат аъзоларига ҳам баҳолаш осон бўлмади. Сабаби кўрик-танловининг иккинчи босқичига чиққан ҳар бир санъаткор ўзининг у ёки бу томони билан бирбиридан устун эканлиги сезилиб турди.

Дастлаб халқ ҳунармандчилик ва амалий санъати кўрик-танлови натижалари эълон қилинди. Туман ҳокимининг биринчи даражали дипломи ва 4 минг сўм пул мукофоти Равшан Толиповга топширилди. Иккинчи ўрин — Ҳайрулла Хасановга насиб этди, унга иккинчи даражали диплом ва 3 минг сўм пул мукофоти топширилди. Учинчи даражали диплом ва 2 минг сўм пул Андрей Лимга насиб этди. Саидаҳмад Оморов Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман қўмитасининг совриндори деб топилди. Унга гувоҳнома ҳамда туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи, эсдалик совғалари топширилди. 4-мактаб зардўзлик ва каштачилик тўгараги қатнашчилари эса туман ҳокимлигиниг фахрий ёрлиғини олишга сазовор бўлдилар.

Саҳна санъати кўрик-танловида ёш ижодкор Шоира Камолиддинова Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг «Ўзбекистон-Ватаним маним» иқтидорли ва талантли болалар ҳамда ёшлар кўрик танловининг совриндори деб топилди ҳамда гувоҳнома, биллур чироқ билан тақдирланди. Учинчи ўрин Авазхон Аъзамовга насиб этди. Унга 2 минг сўм пул мукофоти топширилди. 26-мактаб ўқувчилари эса туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

«Ўзбекистон-Ватаним маним» кўрик-танловининг иккинчи босқичига якун ясалди. Кўрик-танловнинг бу босқичига ижрочилик маҳорати бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришган 35 нафар хаваскорлар жамоалари ўз ижод намуналарини тақдим этган эдилар. Ҳайъат аъзоларининг қарорига кўра кўрик-танловда энг яхши деб топилган 13 нафар хаваскорлар учинчи босқичга йўлланма олдилар. Улар орасида Маҳамаджон Абдуллаев, Қаҳрамон Бобоқулов, Насиба Юсупова, Дилшод Шоназаров, Бегзод Юсупов, Дадамирзо Муродов, Абдуқаюм Тожибоев, хор-оркестри, 9-мактаб дўмбирачи қизлар гуруҳи, «Қипчоқ», «Ниҳол», «Файз» гуруҳлари бор.

Кўрик-танловга ҳомийлик қилган Мусамуҳамедов номли, «Дўрмон», «Бурота», «Қизил шалола» жамоа хўжаликлари, 21-автокорхона «Истиқлол», «Салор», «Дўрмон» ҳиссадорлик жамиятлари, солиқ инспекцияси, Қибрай туман ҳиссадорлик жамияти каби ташкилотлар танлов қатнашчиларига ўзларининг совғаларини топширдилар. Кўрик-танлови қатнашчиларининг барчаси туман ҳокимининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Абдуҳамид ФОЗИЛОВ,
Туман «Давр овози» газетаси муҳаррири.

БОШ СОВРИН КОМИЛЖОНГА ТЕГДИ

ТОШКЕНТ тумани халқ таълими бўлимининг ўқувчи—ёшлар ижодиёти марказида халқ таълими тизимига қарашли ташкилот ва муассасаларда ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танловининг биринчи босқичига якун ясалди.

14-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Комилжон Мирсолиев ижро этган «Ватаним» қўшиғи танловда яхши баҳоланди. Комилжонга бош мукофот — 3 минг сўм топширилди.

Иккинчи ўринга 16-болалар боғчасининг тарбиячиси Шаҳноза Ибрагимова билан 26-болалар боғчаси тарбиячилари Арофат Собирова ва Малика Ражабовалар сазовор бўлишди.

Босқич ғолиблари энди туман бўйича ўтказиладиган ҳал қилувчи танловда иштирок этадилар.

Туман маданият уйининг «Шарқ» вокал-чолғу ансамбли, «Наврўз» ашула ва рақс дасталари ўзларининг «Ватан ҳақида қўшиқ», «Сени куйлагайман, жон Ўзбекистон» деб номланган дастурлари билан туман миқёсида ўтказиладиган танловда иштирок этадилар.

Шунингдек, ҳакамлар ҳайъати F. Абдуллаев номли жамоа хўжалиги маданият саройида бўладиган танловда Юнусобод, Ҳасанбой, Гулистон, Шоштепа қишлоқ ҳудудларидаги мактаблар, боғчалар, қишлоқ клублари бадиий жамоаларининг ижодий ишларига баҳо беришади.

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги озиқ-овқат техникумининг янги ўқув биноси жадал қад кўтармоқда. Бунда бош пудратчи 109-механизациялашган кўчма жамламаси жамоасининг муносиб ҳиссаси бор. Суратларда: техникумнинг қад кўтараётган янги ўқув биноси (пастда); жамламанинг илғор бинокорлари — бригада бошлиғи А. Абдураззоқов (ўртада), ғишт терувчилар А. Головнов ва Ю. Куренковлар навбатдаги қилинадиган ишлар ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқдалар

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ САФИДА

ЖАҲОН ҳамжамиятининг энг муҳим вазифаси ер юзида тинчлик ва хавфсизликни сақлашдир. Бу жиҳатдан олганда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг тутган ўрни ҳамда унинг 1975 йилда Хельсинкида имзоланган Якунловчи баёнотномаси алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур ҳужжат умумжаҳон тарихида Европа минтақаси хавфсизлиги ва ҳамкорлиги асосларини мустаҳкамлаган муҳим ҳужжатлардан бири бўлиб қолди.

Кенгашнинг биринчи навбатдаги вазифаси икки тизим ўртасидаги «совуқ уруш»ни тугатиш, тинчликни сақлаш, инсон ҳуқуқлари ва демократияни ҳимоя қилиш эди. Ана шу мазмун Хельсинки якунловчи баённомасининг таркибий қисми бўлган принциплар баёнотида ўз ифодасини топди. Баёнотда халқаро ҳуқуқнинг қабул этилган 10 та асосий қоидалари олий даражадаги мажбуриятлар бўлиб, ҳеч ким томонидан, яъни алоҳида олинган бирор давлат томонидан ҳам ёки ўзаро келишувга мувофиқ бир нечтаси томонидан ҳам бекор қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз конституциясида халқаро ҳуқуқ нормалари устиворлигини эълон қилиш билан биргаликда, айни вақтда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг энг муҳим асосий қоидалари бўлган: давлатларнинг мустақил равишда тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид этмаслик, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги, халқаро мажбуриятлар ва бошқа принципларга қатъий риоя қилажагини мукаммал ифодалади.

Маълумки, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашидаги жараёнлар, вақт ўтиши билан такомиллашиб борди. 1990 йилда Парижда ўтказилган олий даражадаги учрашув Кенгаш фаолиятига тубдан ўзгартишлар киритди. Унда Европанинг 32 мамлакати, ҳамда Европа Иттифоқининг комиссияси, АҚШ ва Канада янги Европа учун Париж хартиясини имзоладилар. Бу ҳужжатда «совуқ уруш»ни тугатиш ҳаракати бошланганлиги расмий равишда эълон қилинди. Париж хартиясини имзолаган давлатлар зиммаларига иқтисодий ривожланиш бўйича ҳамкорлик қилиш, инсон ҳуқуқлари ва демократияни ҳимоя қилиш, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши аъзолари ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш мажбуриятларини олдилар.

Ҳозирги вақтда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши сезиларли даражада ўз ишини фаоллаштириб, шуғулланадиган муаммолари доирасини кенгайтирдики, буларга гуманитар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари, ўзаро ахборот алмашув ва бошқа жуда кўп фаолият турлари киради. Ушбу форумнинг ишида бугунги кунда 52 давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам иштирок этмоқда. Ўзбекистон Президенти И. Каримов 1992 йилнинг 26 февралида Хельсинкида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг якунловчи баёнотномасини, 1993 йилнинг октябрида эса Франсияга қилган расмий давлат ташрифи чоғида — янги Европа учун Париж хартиясини имзолади. Бу билан Ўзбекистон бутун дунёга ўзининг тинчлик ва хавфсизлик, ўзаро фойдали халқаро ҳамкорликка содиқ эканлигини эълон қилди. Бу ерда шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Хельсинки жараёнига қўшилиши билан Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши ишининг фаол иштирокчиси сифатида ўзини намоён этмоқда. Масалан, Ўзбекистон делегацияси 1992 йилнинг 9-10 июлида Хельсинкида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувда иштирок этдики, унда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг янги сифат даражасига ўтганлигининг асосий натижаларини ўзида қайд этиб якунлаган «Ўзгаришлар даврининг чақириғи» деб ном олган энг муҳим ҳужжатни қабул қилишга эришилди. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг фаолияти маҳаллий ҳамда минтақавий қарама-қаршиликларнинг олдини олишга, улар ҳали келиб чиқмасдан туриб чоралар кўришга ва ирқий, миллатлараро низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилишга қаратилгандир. Бу Кенгаш фаолиятининг асосий ўзаги унинг инсон ҳуқуқлари доирасидаги, иқтисодий, атроф муҳитни муҳофаза этиш, фан ва техника соҳаларидаги салоҳиятни фаоллаштиришга ҳам йўналтирилган. 1993 йил давомида Ўзбекистон ҳайъати Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг бир қатор анжуманларида иштирок этди.

Маълумки, ҳар йили Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши доирасида унга аъзо бўлган давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Масалан, бундан икки йил аввал шундай анжуманлар Бишкек, Алмати ва Ашгабатда бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган муҳим жуғрофий ва сиёсий мавқеини ҳисобга олган ҳолда, давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги учрашувларнинг якунловчи семинарини бевосита Кенгашнинг бош котиби жаноб Вильгельм Хойнк раҳбарлигида Тошкентда ўтказишга қарор қилинди. Шунингдек, Кенгашнинг ҳомийлиги остида Тошкент ва Урганчда атроф-муҳитни тиклаш бўйича ҳам анжуман уюштирилди. 1994 йилда Венада Ўзбекистоннинг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши қошидаги ваколатхонасининг очилиши муносабатларнинг янада жонланганлигидан гувоҳлик беради. Ўз навбатида, Тошкентда Кенгашнинг Марказий Осиёдаги алоқалари бўйича минтақавий бюроси ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бюро раҳбари Алоис Резник оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда бюронинг асосий фаолияти йўналишларини таърифлаб, жумладан, унинг якин вақтлар ичида Марказий Осиё минтақаси мамлакатларида бир неча семинарлар ўтказиш нияти борлигини маълум қилди.

Ўтган йилнинг сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши ҳомийлигида Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик масаласига бағишланган семинар-кенгаш дунё миқёсида катта таассурот қолдирди. Бу мажлисга ўзларининг тўла ҳуқуқли вакилларини йўллаган 31 давлат ва олти халқаро ташкилот низоларнинг олдини олиш, минтақада ишончли хавфсизлик тизимини шакллантириш ва интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш масалалари бўйича ўз хайрихоҳликларини баён этдилар.

Шуни айтиш керакки, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашида қатнашиш билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси кўпгина халқаро ташкилотлар фаолиятида ҳам иштирок этмоқда. Бундай ташкилотларнинг республика иқтисодий ривожланишига самарали ҳамкорлик кўрсатишда ўзига хос ўрни бор. Улар бевосита чет эл сармояларини жалб этиш, қарз олиш ва республикани ҳориждаги бозорлар томон йўллашда катта кўмакдошдирлар.

Бундай алоқаларнинг асосий моҳияти шундаки, улар туфайли Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги иштироки ортиб бормоқда. Минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлашда ана шундай ҳамкорликлар муҳим омил бўлиб қолмоқда. Бу борада бундан тўрт йил аввал республика тарихида катта воқеа бўлиб қолган сана — Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек обрўли халқаро ташкилотга аъзо бўлиб кирган кун ҳам юксак аҳамият касб этади. Шунда тарихда биринчи марта Ўзбекистон давлатининг бошлиғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 48-сессиясининг минбаридан туриб нутқ сўзлаш шарафига муяссар бўлди. Бу минбардан туриб умумбашарий муаммоларни ҳал қилишга доир қатор қимматли таклифларни киритди.

Республикамиз БМТнинг махсус муассасалари бўлган бир қатор ташкилотларда, жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Халқаро Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, Халқаро Почта Иттифоқи, ЮНЕСКО, Халқаро Электр Алоқа Иттифоқи, Халқаро Фуқаролар Авиацияси ва бошқаларда фаол иштирок этаётир. Ўзбекистоннинг Халқаро Валюта жамғармаси ва Умумжаҳон банки билан ўзаро муносабатлари собиткадамлик билан мустаҳкамланиб бормоқда.

Республиканинг халқаро обрўли ташкилотлар бўлган Ливерпул пахта ассоциацияси ва Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси каби ташкилотлардаги иштирокини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Давосдаги умумжаҳон иқтисодий анжуманида Ўзбекистон бешинчи марта қатнашди. Бу жойдаги учрашув ҳорижий ширкатлар ва халқаро банкларнинг мамлакатимиздаги йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга, жумладан, нефть-газ саноати, автомобилсозлик, тоғ рудаси ва бошқа иқтисодий соҳаларда қатнашишга зўр қизиқиш билдираётганликларини намойиш этди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши ҳамда бошқа халқаро ташкилотларда фаол иштирок этиши унинг нуфузини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Республикамиз халқаро ҳамжамиятда энг муносиб ўринни эгаллаб, жаҳоннинг барча минтақаларидаги давлатлар билан фойдали алоқалар ўрнатмоқда.

Гулчеҳра ИНОМЖОНОВА,
Тошкент Давлат юридик институти халқаро ва қиёсий ҳуқуқ кафедрасининг доценти.

МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Мамлакатимизга олис океан ортидан хушхабар келди:

Самарқандлик олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор, болалар жаррохлиги илмий-ўқув ва даволаш бирлашмаси бош директори Азамат Шамсиев Нью-Йорк Фанлар академияси аъзолигига сайланди. Шифокорнинг кўп йиллик ижодий изланишлари ана шундай эътирофга сазовор бўлди. Унинг болаларда учрайдиган турли касалликларни жаррохлик йўли билан даволаш усуллари амалиётда кенг қўлланмоқда. Олим 200 дан кўпроқ илмий мақола, олти монография, ўндан ортиқ ихтиро муаллифидир.

СОҲИБҚИРОН НОМИ БЕРИЛДИ

Бутун мамлакатимиздаги каби Фарғона вилоятида ҳам буюк бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Фарғона шаҳридаги марказий кўчалардан бири — генерал Скоблев кўчаси эндиликда соҳибқирон номи билан аталмоқда. Вилоят шаҳар ва қишлоқларидаги бир қанча мактаб ҳамда Учкўприк туманидаги марказий ўйингоҳга ҳам Амир Темур номи берилди. Жойларда «Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни», «Темур даври маданияти ва санъати» мавзуида анжуманлар ўтказиляпти. Кутубхоналарда шонли санага бағишланган китоб кўргазмалари очилди.

КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНЛАНДИ

***«Ипак йўлини тиклаш: Ўзбекистонда маърифий сайёҳликни ривожлантириш ва маданий меросни эъзозлаш» мавзуида Бухорода ўтаётган халқаро конферен

Қишлоқ мулкдорлари

ЭЛГА НАФ ИСТАР КЎНГИЛ

ИНСОН ҳаётида шунақа кунлар ҳам бўлади. Турфа ҳаёллар ўз гирдобига оладию, миянгда чарх уриб, вужудингга тинчлик бермайди. Ўйлаб ўйингга етолмайсан, киши. Дилингга қандайдир ғашлик ўрнашиб тундлик сари етаклайди. На юришингда, на ўтиришингда ҳаловат сезасан.

Ўзи бир неча йиллардан буён раҳбарлик қилаётган мева-сабзавот хўжалигини хусусийлаштириб олиш тўғрисидаги фикр туғилиши билан Бозорхўжа Эшоновни шу кайфият чулғади. Олдинига унчалик қийин эмасдек бўлиб туюлган бу иш орадан ҳеч қанча ўтмай кўнглига гулгула солди. Табиатан қувноқ, ҳазилкаш одам бирдан жиддий қиёфага кириб, эртадан кечгача «очилмай» юрса бошқача бўлар экан. Б. Эшонов ўзини қийнаётган бу ҳолатнинг туб илдизини биларди. Умумий экин майдони 1750 гектардан иборат бутун бир хўжаликнинг эгаси бўлиш чиндан ҳам осон эмасди. Асосий ишлаб чиқариши мева, сабзавот ҳамда лалми ерларда ғалла етиштиришга мослашган бу катта оиланинг муаммолари, ташвишлари ҳам етарли эди. Бу ерда истиқомат қилаётганларнинг яшаш тарзи, уларни иш билан таъминлаш, орзуларининг рўёбга чиқиши, яхши ва ёмон кунлари, ҳамма-ҳаммаси Бозорхўжага боғлиқ бўларди. Ана шу жиҳатларни чуқурроқ ўйлаб унинг кўнглида иккиланиш пайдо бўлган эди. Қолаверса, хусусийлаштиришни бошидан кечирган бир тенгдошининг «ҳали ҳам бизда қоғозбозлик кўп экан, ошна, идорама-идора юриб ҳорийсан, ишим битгунига қадар тўрт туфлини тамом қилдимов» дея айтган ҳазиломуз гапи ҳам уни жиддий ўйлантириб қўйганди. У иш фаолиятида гоҳо мушкул ҳолатлар юз берса, тоғасига маслаҳат сўраб мурожаат қиларди. Бу сафар ҳам ана шу фикр билан йўлга чиқди.

Бир неча йиллар мобайнида Юқоричирчиқ туманида пиллачилик соҳасида ишлаб, юксак обрў-эътибор орттирган, ҳозир меҳнат гаштини сураётган, ёши саксон бешни қоралаган, каттаю кичикка маслаҳатини аямайдиган Бозорхўжа бува Улуғхўжаев жиянини ҳар қачонгидек хушрўйлик билан кутиб олди. Бир пиёла чой устида уёқ-буёқдан суҳбатлашиб ўтиришгач, Б. Эшонов тоғасига ўзи раҳбарлик қилаётган «Соҳибкор» мева-сабзавот ишлаб чиқариш корхонасини хусусийлаштириб олиш ниятида эканлиги, аммо келгуси муаммолар тўғрисида ўйлаб иккиланаётганини очиқ-ойдин гапириб берди.

Ярим асрлик меҳнат фаолияти давомида ҳар хил ҳолатларни кўравериб, мушкул масалаларни ҳал қилишнинг пири бўлиб кетган оқсоқол тўладан келган, барваста елкали, мулойим нигоҳли жиянига тикилиб турида, мийиғида кулиб:

— Гапингни диққат билан эшитдим жиян, — деди донадона сўзлаб, — аммо хулосам чатоқроқ. Мен билан қариндошга ўхшамаяпсан. Ҳали аллодимиздан бир ишга жазм қилиб ортига қайтганлар бўлмаганлигини яхши биласан. Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас деган нақл бор. Сенинг уқувинг, тадбиркорлигинг менга аён. Хўжаликда бир неча йил ҳосилот, бош ҳосилот, раис бўлиб ишладинг. Ҳозир директорлик қиляпсан. Ютуқларинг чакки эмас, одамлар миннатдор. Ўйлаган ўйингни охирига етказ. Қолаверса бу ишни ҳукумат ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турипти. Фақат бир нарсани унутма, мулк сеники бўлгач, аввало одамлар турмуши, шарт-шароити ҳақида ўйла, шунда ишинг юришади. Олдинга бос, ўғлим...

Шу куни Бозорхўжа тоғаси уйидан енгил тортиб чиқди. Худди биров қоронғи дилига чироқ ёққандек равшанлик ҳис этди. Олтин кузда япроқлари сарғайиб тўкила бошлаган мевазорлар, қумуш барглари шабодада силкинаётган осмонўпар тераклар, ҳосили йиғиштирилиб, шудгор қилинган кенг далалар кўзига алланечук гўзал кўринди.

Директор иш хонасига кирганида ҳам ана шу ширин туйғулар оғушида эди. Фаолият кўрсатган йиллар ичида ўзи ва бошқарув аъзолари ташаббуси билан амалга оширилган ишлар бир-бир кўз олдидан ўтди.

Дарҳақиқат, улар кам эмасди. Ноқорлашиб қолган 237 гектар майдондаги боғ парвариши кучайтирилиб ҳосилдорлик йилма-йил ошиб борди. Автомобиль, трактор парки тартибга тушди, мактаб, боғчанинг моддий базаси мустаҳкамланди, кўчаларга асфальт ётқизилди. Хўжаликка кираверишда шарқона услубда дарвоза қурилди. Ишчиларга шарт-шароитлар яратиш борасида анча ўзгаришлар рўй берди.

Ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан ҳам арзигудек тадбирлар рўёбга чиқди. 1994 йилда қурилган Абдуманноб Сафаров бошлиқ консерва цехи ўн турда маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Цех жамоаси тайёрлаган олма, ўрик, олхўри, шафтоли консерваларига нафақат туман, балки вилоят савдо тармоқларида ҳам эҳтиёж ошди. Ўтган йили тадбиркор Шуҳрат Исломов бошчилигида очилган тикув цехи маҳсулотлари — эркаклар ва аёллар жемперлари, болалар калготкилари учун ҳам мижозлар навбатда турадиган бўлиб қолдилар.

Корхонада 1995 йилда давлатга режадаги 160 тонна ўрнига 200 тонна мева топширилди, 10 тонна қуруқ мева тайёрланди. Лалми ерлардан режадаги 15 ўрнига 18 центнердан ғалла олинди. Сабзавот бўйича ҳам йиллик режа бажарилди. Умумий даромад 10 миллион сўмдан ошиб кетди.

Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасидаги ишлар ҳам эътиборга лойиқ бўлди. Бир неча хонадон янги уйларга кўчиб ўтди. Туман ҳокимлиги ёрдамида ва корхона бошқаруви фаоллигида қишлоқни газлаштириш жадаллашди. Ун, шакар, макарон, ёғ каби озиқ-овқат маҳсулотлари, рўзғор ашёлари билан мунтазам таъминланаётганликлари учун кишилар турмушларидан мамнун бўлиб қолдилар. Ҳаммадан ҳам ойлик маошлари, йиллик меҳнат ҳақлари ўз вақтида тўлаб борилаётганидан улар хурсандлар. Ўртача ойлик эса йилма-йил ортиб 1994 йилдаги 900-950 сўмдан ўтган йили 1200-1300 сўмга кўтарилди. Бундан ташқари ҳар бир ишчи хонадони далада етиштирилган барча маҳсулотлар — пиёз, карам, узум, олма ва бошқа неъматлар билан ўз оиласига қанча керак бўлса, шунча миқдорда таъминланди. Бир неча йилдирки 140 нафар кичкинтойни боғрига олган боғча харажатлари ҳам корхона зиммасида.

Б. Эшонов шуларни ўйлар экан, ортда қолган йилларидан кўнгли тўлгандек бўлди. «Ишга киришиш керак, тамом» ўзигаўзи шивирлади у.

Хусусийлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш туман ҳокимлигида кўпга чўзилмади. Вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига тавсия этиладиган қоғозлар ҳам тезда тайёр бўлди.

Орадан кўп ўтмай мазкур ташкилот Эшоновга «Соҳибкор» корхонасининг хусусийлаштирилгани тўғрисидаги ҳужжатни топширди. Шундай қилиб, ўтган йилнинг 1 ноябридан «Соҳибкор» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси»нинг эгаси Бозорхўжа бўлиб қолди.

Раҳбар ҳаётида аввалгидан ҳам кўра масъулиятли кунлар бошланди. Вилоятимизда кенг қулоч ёзиб бораётган иқтисодий ислоҳотлар тўлқини бу даргоҳ иш услубида ҳам ўзгаришлар ясаш кераклигини тақозо этарди. Мулкдор ишни корхона бошқарувини ихчамлаштиришдан бошлади. Бригада услубида ишлаш тартибига ҳам чек қўйилди. Корхонада асосан иккита бўлим — боғдорчилик, ғаллачилик бўлимлари ва механизация тармоғи ташкил этилди. Уларга меҳнатда хўб синалган Мухлис Йўлдошев, Намоз Мусаев, Акимбой Пўлатовдек ташкилотчи ва тадбиркор кишилар бошлиқ қилиб тайинландилар. Далачилик юмушлари, кичик корхоналар, автомобиль трактор парки фаолиятига, бу ердаги хизматчиларга ҳақ тўлаш тартибига оид аниқ норматив ишлаб чиқилди. Шунга эришилдики, қайси ходим бажарган иши учун қанча ҳақ олишини ўзи олдиндан биладиган бўлди.

Айни пайтда корхона ҳудудида истиқомат қилаётган ночор оилалар, ёлғиз қариялар, узоқ ётиб қолган беморларни ижтимоий ҳимоялаш учун махсус йўриқнома ҳам тайёрланди. Унга кўра кам таъминланган оилаларни моддий-қувватлаш омиллари кўпайди.

— Мулк ўз эгасини топганидан хурсандмиз, — дейди боғбон Эшпўлат Файзуллаев биз билан мулоқотда, — ҳар ким ўз ишини билиб қиладиган бўлиб қолди. Саранжом-саришталик, ўзаро муносабатлардаги уюшқоқликни айтмайсизми, энг муҳими, моддий манфаатдорлик ошди.

— Дарҳақиқат, тўғри, — дея қўшилди суҳбатимизга тажрибали сабзавоткор Баҳром Тўйчиев, — мулк битта одамники бўлгандан кейин масъулият ҳам, талаб ҳам бошқача бўлар экан. Биз меҳнат интизоми янада мустаҳкамланганини, сўз билан иш бирлигини сездик. Одамлар турмуш тарзида ҳам ўзгаришлар бўляпти. Хонадонлар анча йиллардан бери қаровсиз эди. Уй эгалари уларни таъмирлашга, саришталашга киришдилар. Кўпдан буён ишламай ётган этикдўзлик устахонаси, сартарошхона аҳолига ҳизмат қила бошлади. Газчилар ҳам монтаж ишларини бошладилар. Боғларга кузнинг ўзидаёқ ишлов беришди. Лалми ерлардаги ғалла майдонларида майсалар бўй чўзиб қолди.

Корхона хусусийлашгандан буён эришилган натижалар борасида суҳбатлашар эканмиз, Бозорхўжадан келгуси режалар тўғрисида ҳам сўрадим.

— Уларни санаб тугатиб бўлармикин, — деди директор табассум билан, кейин ўрнидан туриб китоблар тахлаб қўйилган жавондан бир иш папкасини олиб менга узатди.

— Яхшиси ўзингиз кўриб чиқаколинг, бир-бир айтиб бersам зерикарли бўлмасин, тағин.

Устига дона-дона қилиб «Йиллик ва истиқбол режалари» деб ёзилган папкани очиб, тадбирлар билан таниша бошладим. Дарҳақиқат улар анчагина эди. 1996 йилда корхона 30 гектар майдонга пахта экишни ҳам мўлжаллабди.

— Мавжуд экин турлари ёнига пахта ҳам қўшилибди-да, — дедим раҳбарга.

— Шунга аҳд қилдик. Пахтанинг турган-биттани бойлик, — деди у қатъий оҳангда. — Бунинг устига Президентимиз пахтакорлар бағрига шамол тегадиган қатор фармонларни қабул қилдилар. Режа бажарилган тарзда 40 фоиз ҳосилнинг эгаси деҳқонлар бўлиб қолишининг ўзи катта гап.

— Бозорхўжа костюмининг ички чўнтагидан бежирим электрон ҳосиблагични очди ва рақамларни босиб тушунтира бошлади. Шунча майдондан 27 центнердан ҳосил олса қанча бўлиши-ю, толаси қанча даромад келтириши, бу пул қайси мақсадлар учун ишлатилиши ҳақида тахминий маълумотларни хомчўт қилиб чиқарди. «Мева-сабзавотдан келадиган даромад ёнига пахтаники ҳам қўшилса деҳқон пулнинг тагида қолади, деяверинг» деди у. Бозорхўжа худди бу фойдага ҳозир эришгандек қандайдир мамнун эди.

Қўрғонда Россиядан олиб келинган тегирмон ускуналарини ўрнатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, янги мева боғлари, теракзорлар барпо этиш, кишиларга тиббий ва маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш каби ўнлаб тадбирлар ҳам режа тизимидан ўрин олганди.

— Буларнинг ҳаммаси рўёбга чиқадиган ишлар, — деди раҳбар. — Бундан ташқари, ёш оилалар, ҳомиладор аёлларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича ҳам қўшимча тадбирлар ишлаб чиқаяпмиз. Келгусида ана шундай ниятларимизнинг амалга ошиши учун имкониятлар бор.

Биз шу куни корхонанинг қайта ишлаш цехларини, боғ ва ғаллазорларини айландик. Дарҳақиқат, бу ердаги ўзгаришлар, ислоҳотлар, одамлардаги ўз ишига бўлган ишонч, муносабат кишини қувонтиради. Буларни кўриб:

— Бозорхўжа йўлингиз равон экан, — дедим.

Унинг чеҳрасига табассум ёйилди.

— Худо хоҳласа бу бошланиши, танлаган иқтисодий йўлимиз ҳам, кўзлаган мақсадимизга етказувчи йўл ҳам равон, — деди у қатъий.

Тадбиркор ҳақ гапни айтди. Хусусий мулк соҳиби Бозорхўжа Эшонов танлаган йўл истиқлолимизнинг ёрқин ёғдуларидан мунаввар бўлган юксалиш ва камолот йўлидир.

Саидвали ҲАСАНОВ.

«Тошкент ҳақиқати» маслаҳатхонасида

ДЕКЛАРАТИВ УСУЛ НИМА?

«Шу йил бошидан фуқаролар даромадини декларатив усулда солиққа тортиш тартиби жорий этилади, деб эшитдик. Бу усул ҳақида тўлиқроқ маълумот беришингизни сўраймиз.

Ж. САИДОВ,
Бўстонлиқ тумани».

ХУДДИ шундай. 1 январь 1996 йилдан бошлаб фуқаролар даромадини декларатив усулда солиққа тортиш тартиби бутун республика бўйича қўлланилади. Шу муносабат билан биз мазкур қонундаги корхоналар, ташкилотлар, шунингдек солиқ тўловчи фуқароларнинг деклараци-ларини топшириш ва маълумотларни тақдим этишдаги ҳуқуқ ва бурчларини белгиловчи асосий қоидаларни тушунтириш мақсадида Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармасининг аҳоли даромадларини солиққа тортиш бўлими бошлиғи муовини А. Умаровга мурожаат қилдик.

— Сир эмаски, — деди А. Умаров, — бозор иқтисодиётига ўтиш республика аҳолиси фаолиятидаги барча соҳаларда хўжалик юритиш усулларининг ўзгаришига олиб келди. Маъмурий-буйруқбозлик даврида иш ҳақи ҳар хил йўриқномалар билан чегараланган бўлса, бозор иқтисодиёти даврида фуқароларнинг даромадлари уларнинг меҳнат самарадорлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати, шунингдек, ташаббускорлиги ва тадбиркорлигига боғлиқ бўлиб қолди. Албатта, Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Корхоналар тўғрисида»ги қонунлари фуқароларнинг юқори даромад олишларига ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви, аҳолининг иқтисодий фаоллиги ошиши, уларнинг ҳар хил манбалардан олган даромадларини тўлиқ аниқлаш ва солиққа тортиш учун қонуннинг тартиб-қоидаларини такомиллаштириш зарурати туғилди. Шу муносабат билан 1993 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 14-моддаси фуқаролар томонидан йиллик жами даромадни декларацияда ифода этиш ва йиллик жами даромад бўйича солиқни ҳисоблаб чиқиш тартиби деб номланиб, янги таҳрирда баён этилди.

Қонуннинг ушбу моддасига биноан фуқароларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш тизими жорий қилиниб, йил давомида 2 та ва ундан ортиқ манбалардан даромад олган фуқаролар солиқ инспекцияларига йиллик жами даромади бўйича декларация тақдим этишлари шартдир.

Давлат солиқ қўмитаси раҳбариятининг кўрсатмаларига биноан 1994 йил Тошкент шаҳрининг Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларида, 1995 йилда эса Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларнинг айрим туманларида солиққа тортишнинг декларатив шаклига ўтиш бўйича синов тажрибалари ўтказилди. Ҳозирги пайтгача декларация тизимини бутун республика бўйича жорий этиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ташкилий, моддий-техник масалалар ҳал қилинди.

Йиллик жами даромад тўғрисидаги декларацияни йил давомида 2 та ва ундан ортиқ манбалардан даромад олган, яъни асосий иш жойи билан бир қаторда ўриндошлик, якка тартибда меҳнат фаолияти, иморат ва мулкни ижарага бериш, фуқаролик ҳуқуқи шартномаларида белгиланган ишларни бажаришдан даромад олган фуқаролар (фуқаролик ҳуқуқий шартномаларига қуйидагилар киради: ижара шартномаси, юк ташиш шартномаси ва бошқалар) шунингдек, асосий иш жойига эга бўлмаган, лекин, йил давомида икки ва ундан ортиқ манбалардан даромад олган фуқаролар тақдим этадилар.

Масалан, фуқаро ўзи ишлайдиган асосий иш жойидан ташқари яна бошқа корхонада ўриндошлик бўйича ишлаб даромад олади. Бу фуқаро икки жойдан маош олгани учун ўзи яшаб турган туман ёки шаҳар солиқ инспекциясига бориб, олган иш ҳақлари ва тўлаган даромад солиғини кўрсатиб, декларация тўлдиради. Ҳар иккала корхона бу фуқарога 1995 йил давомида тўлаган даромади ва ушлаб қолган солиғи ҳақида маълумот бериши лозим. Шунингдек, «...даромад солиғи тўғрисида»ги қонунга биноан фуқароларга асосий иш жойидан бошқа жойда даромад тўлаган корхона, ташкилот ва муассасалар ўзлари жойлашган худуддаги солиқ инспекциясига ушбу тўловлар ва ушлаб қолинган солиқлар тўғрисидаги маълумотни биринчи мартдан кечиктирмай тақдим этишлари керак. Савдо дўконлари эса ҳар ойда ўзлари жойлашган шаҳар ёки туман солиқ идораларига сотиш учун маҳсулот топширган фуқароларнинг олган даромади ва уларнинг яшаш жойлари тўлиқ кўрсатилган маълумотлар бериб боришлари лозим.

Йил мобайнида икки ёки ундан ортиқ манбалардан даромад олган фуқаро декларация тақдим этиш масаласи бўйича шахсан ўзи мустақил равишда солиқ идорасига мурожаат қилиши керак. У ерда унга декларация бланкаси берилади ва бу борада барча йўл-йўриқлар кўрсатилади. Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, фуқароларнинг расмий манбалардан олинаётган даромадлари ҳақида корхона ва ташкилотлардан солиқ идораларига келган маълумотларга кўра ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқароларнинг яширган даромад манбалари маълум бўлади. Фуқароларнинг даромади ҳақида декларация тақдим этиш муддати 1 апрелгачадир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, аввалгамбор, фуқаро томонидан даромадлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этмаслик, кеч тақдим этиш ёки маълумотларни нотўғри кўрсатиш ҳоллари учун Ўзбекистон Республикаси солиқчилик қонунида бундай фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, бу қонун корхона, ташкилотларнинг раҳбар ходимлари учун ҳам тегишли бўлиб, корхона, ташкилотларда ўриндошлик ва ҳар хил шартномалар асосида фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг даромадлари ҳақида ўз вақтида тўғри ва тўлиқ маълумот беришлари лозимдир. Акс ҳолда солиқ идоралари ходимлари нотўғри ёки ёлғон маълумотлар кўрсатган корхона, ташкилотларнинг раҳбар ходимлари атайлаб фуқароларнинг даромадларини яшириш мақсадида фуқароларга кўмаклашган деб ҳисобланиб, маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Тошкент вилояти солиқ бошқармаси 1995 йил давомида икки ва ундан ортиқ манбалардан даромад олган фуқароларни солиқ қонунчилигидаги талабларга риоя этишга ва ўз вақтида йиллик ялпи даромад ҳақида декларация тақдим этишга чақиради.

Сизларни қизиқтирувчи кўшимча бошқа саволлар бўйича яшаш жойингиздаги солиқ инспекцияларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармасининг матбуот хизмати.

«Тошкент ҳақиқати» материаллари изидан

«ТУШИНГИЗНИ СУВГА АЙТИНГ»

Газетамизнинг шу йил 13 январь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада Бўка туманида чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш ва ҳиссадорлик уюшмаларига айлантиришда кўзланган мақсадга эришилмаётганлиги мисоллар билан танқид қилинган эди.

Мақолага туман ҳокимининг имзоси билан қуйидаги жавоб олинди:

Танқидий мақола ўз вақтида берилган, деб ҳисоблаймиз. Туман ҳокимининг биринчи муовини А. Носиров бошчилигида тузилган махсус текширув гуруҳи хўжаликларда нима учун чорвачилик соҳасида жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлигини атрофлича ўрганиб, камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил этди. Мақолада кўрсатилган фактлар тасдиқланди.

Ҳақиқатан ҳам айрим хўжаликларда чорвачилик фермаларини хусусийлаштиришдек муҳим тадбирни амалга оширишда шошма-шошарликка, расмиятчиликка йўл қўйилган. Натижада бу тармоқда ўтказилган ислоҳотлар фойда ўрнига зиён келтира бошланган. Хўжасизлик шу даражага бориб етганки, яхши ният, катта умид ва режалар билан хусусийлаштирилган «Алишер» ва «Темур» ҳиссадорлик уюшмаларида раҳбарларнинг локайдлиги, уқувсизлиги, масъулиятни унутиб қўйганлиги сабабли сигирлар сони кўпайиши, маҳсулдорлиги ортиши ўрнига камайиб кетган. Ҳатто гўшт, сут топширмай қўйилган. Биргина Навоий ва Улуғбек номли жамоа хўжаликларининг фермаларидагина эмас, «Қашқадарё», Т. Ражабов номли, О. Йўлдошев номли, Й. Ҳожиматов номли жамоа хўжаликларининг хусусийлаштирилган, ҳиссадорлик уюшмаларига айлантирилган фермаларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу ҳақда мақолада ҳаққоний ва холисона гаплар айтилган.

Албатта, чорвачиликдаги бу ташвишли аҳволнинг юз беришида туман ҳокимлиги, қолаверса, туман деҳқончилик — саноат уюшмаси мутасаддиларининг ҳам катта айби бор. Белгиланган чора-тадбирлар охирига етказилмаганлиги, назорат ишларининг ўта сусайиб кетганлиги ана шундай хунук оқибатларга олиб келди.

1996 йил 23 январь куни мақола муҳокамасига бағишланган — хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, чорвачилик фермаларининг раҳбарлари қатнашувида ўтказилган йиғилишда чорвачиликда йўл қўйилган камчиликлар жиддий муҳокама қилинди. Чорвага масъул ва даҳлдор раҳбарлар, мутахассислар билан очиқчасига гаплашиб олинди.

Камчиликларни бартараф этиш ва аҳволни ўнглаш учун биринчи навбатда қўйилган ишлар, амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида фикрлашиб олинди. Зарур чоралар кўрилди. Хусусан, мақолада номи тилга олинган хўжалик раҳбарларига ҳайфсан эълон қилинди.

«Алишер» хусусий ҳиссадорлик уюшмаси раҳбарлари устидан эса туман прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилди.

Ҳар бир хўжалик ҳар бир хусусийлашган ферма ва ҳиссадорлик уюшмасида чорвачиликни кескин ривожлантириш, гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш юзасидан бошқа зарур чора-тадбирларни ҳам амалга оширади.

Р. ОБИДОВ,
Бўка тумани ҳокими.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

БЎЛАЖАК ДИПЛОМАТЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия давлат университетида буюк аждодимиз, давлат арбоби, саркарда ва моҳир дипломат Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган учрашув бўлди. Тарихий мавзуда шунингдек, давлатимизнинг бугунги сиёсати ва маданиятимизга доир очиқ суҳбат йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Талабалар билан суҳбатда уларнинг ўз фуқаролик бурчларини дилдан ҳис этиши, бўлажак дипломатларнинг мустақил республикамиз олдидаги масъулиятни чуқур англаб етиши мени жуда хурсанд қилди, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов. — Бунда ватанпарварлик туйғуларини камол топтиришга алоҳида эътибор бериб, таълим-тарбия жараёнининг энг самарали шаклларини излаётган университет ўқитувчиларининг хизмати катта, албатта. Бироқ, ёшларнинг ўзи ҳам мақсад сари интилиши, қизиқувчанлиги, Амир Темурдек буюк сиймоларни етиштирган халқ олдидаги, Ватан олдидаги ўз фарзандлик бурчларини адо этиш истаги ва иштиёқи билан кишини қувонтиради.

Светлана ТЕН,
ЎзА мухбири.

НЕГА ЖАВОБ БЕРИШНИ ЭП КЎРМАДИЛАР?

Газетамизнинг 1995 йил 13 январь сонида эълон қилинган «Йиглаб кириб, доллаб чиқасиз» деб номланган мақолада вилоятимиз ҳудудидаги клублар, кутубхоналар ва бошқа маданият муассасалари фаолияти талаб даражасида эмаслиги, айниқса бу борадаги аҳвол қишлоқ жойларда ташвишли эканлиги танқид қилинган эди.

Мақолада бир вақтлар намунали хизмати билан танилган Олмалиқ, Ангрен шаҳарларидаги, шунингдек, Янгийўл туманидаги У. Юсупов номли агросаноат бирлашмаси, Чиноз туманидаги «Олмазор» жамоа хўжалиги клублари эндиликда ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, Юқоричирчиқ туманидаги учта қишлоқ кутубхонаси эгаллаб турган биносилан чиқариб юборилганлиги, «Ийк ота» жамоа хўжалигидаги болалар санъат мактаби иситилмайдиган бинога жойлаштирилганлиги, туман марказидаги болалар мусиқа мактаби биноси солиқ инспекциясига берилиш арафасида турганлиги тилга олинган эди.

Афсуски, юқорида номлари зикр этилган хўжалик, ташкилотларнинг бирортасидан ҳам мақоладаги танқидий фикрларга муносабат билдирилган хат келмади.

Газетанинг 1996 йил 17 январь сонида босилган «Талабгор кўпу...» деб номланган мақолада эса ер майдонларини сотишдаги суткашликлар, Давлат мулк қўмитаси шаҳар ва туман бўлимларининг бу соҳадаги фаолиятсизлиги, Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон ва Ўртачирчиқ туманлари ерни ўз эгаларига топширишда кўнгилдагидек фаолият кўрсатмаётганликлари танқид қилинган эди. Юқорида номлари зикр этилган ҳудудлардан ер майдонларини сотиш бўйича кўрсаткичларни яхшилаш учун қандай ишлар қилинаётганлиги ҳақида ҳам жавоб хати олинмади.

Матбуотга, умуман, танқидга муносабат билдирмаслик, шу тариқа мавжуд муаммоларни хаспўслашга, яшириш га уриниш эмасми? Жойлардаги раҳбарлар бундай «ҳимоя» воситасидан ҳанузгача батамом воз кечолмаяптиларми? Хулоса чиқариш ўзларига ҳавола!

ЎЗ ЎРНИ БОР

ХОМИТ ака асли кавардонлик. Ёшлигиданоқ меҳнатга меҳр қўйди. Мактабни битиргач, далага чиқиб ишлади, ер чопди, сувчилик қилди. Мўл ҳосил етиштиришга озми-кўпми улуш қўшди. Сўнг туман таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси қошида очилган уч ойлик механизаторлар тайёрлаш курсига кириб ўқиди. Уни битиргач Мақсуд акасига шогирд тушди. Ер ҳайдади, уруғ экди, қатор ораларига ишлов берди, пахта терим мавсумида тонна-тонналаб ҳосил терди. Хуллас, деҳқонларнинг оғирини енгил, манзилини яқин қилди.

Ишчанлиги, ҳалол меҳнати Ҳ. Аҳмедовни элга танитди. Унинг тракторни бошқараётганига ҳам 25 йил бўлиб қолибди. Яқиндагина механизаторларга шогирдлик қилган Хомит Аҳмедов бугун қанчадан-қанча ёшларга устоз. Ўзи меҳнат қилаётган Юқоричирчиқ туманидаги «Политотдел» жамоа хўжалигининг 21-бригадаси жамоасининг фахри. Ўзи билан бирга ишлаётган издошларини, шогирдларини хўжаликда кўплаб учратиш мумкин. Шукур Назиров, Ҳожимурод Назировлар шулар жумласидандир.

Айни кезларда хўжалик устахонасида кўкламги экишга тайёргарлик ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юборилган. Хомит Аҳмедов техникаларни таъмирлашда фаол иштирок этмоқда.

Латифжон МАНСУРОВ.

Тошкент шаҳрининг С. Раҳимов туманида 29-АТСда ўз касбини пухта эгаллаган кўплаб мутахассислар ишламоқда. Уларнинг бири Татьяна Бабишева моҳир электр монтери ҳисобланади. У зиммасидаги вазифани доим соз бажармоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МУҲАММАДЖОН ШОКИРОВ:
УМИДЛАРДАН ВОЗ КЕЧМАЙМАН...

(хонанда ва созанда М. Шокиров билан суҳбат)

— Муҳаммаджон ака, санъатга қандай кириб келгансиз?

—Бизнинг оиламизни Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида «Санъаткорлар оиласи» дейишарди. Отам — Зиёмиддин Шокиров — бастакор, хонанда ва созанда (қўшнайда) бўлганлар. Онам Тўпахон Нурбоева — Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист, актёр ва қўшиқчи. Ака-укалар ҳам шу йўлдан кетишган. Ростини айтсам, мен ақлимни танибманки, кўрганларим соз, эшитганларим мусиқа.

Эсимда бор, бизнинг уйимизга кўп хонанда, созанда, шоирлар, аскиячилар ва бастакорлар келишар эди. Уларнинг суҳбатларини кўп тинглаганман. Дадам шогирдларига қўшиқ, куйлар ўргатаётганида мен ҳам берилиб тинглар эдим. Ўзбек классик куй-қўшиқлари ва адабиётига меҳр-муҳаббатим орта борди. Навоий, Жомий, Фузулий, Бобур, Машраб, Нодира сингари классик шоир ва шоираларимизнинг ғазаллари билан танишдим. Уларнинг анчаси менга ёд бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси менинг мусиқага бўлган иштиёқимни ошира борди.

11-13 ёшларимда дадам ғижжак чалишни ўргатдилар. Дадам ўзлари қўшнай ва сурнайда ажойиб куйлар чалиб, кишини ўзига маҳлиё қилардилар. Шунинг учун сурнай чалишни ҳам ўргандим. Уша вақтда дадамнинг дўстлари Раҳимжон ака гармон (аккордион) чалар эдилар. Бизникида кўп машқлар бўлганлиги туфайли менинг бу созга қизиқишим орта борди ва Раҳимжон устадан дарс ола бошладим.

Телевизорда «Баҳор» ансамблини кўп кўрсатишар эди, созандалар ижро этган куйлар эса мени ўзига тортар ва ёдимда қолган куйларни тезда ўзим гармонда такрорлар эдим ва кўнглимдан «қани энди мен ҳам шу ансамблда ишласам» деган ниятлар кечар эди.

1965 йилда машҳур артист, устоз Тамарахонимнинг Ўш театрига гастролга келиши мени илк бор профессионал саҳнага олиб кирди. Тамарахоним гуруҳи билан Ўш вилояти ва қардош Тожикистоннинг Хўжанд вилоятида ўтаётган гастрол концертларида созанда сифатида қатнашдим. Мана шунда илк бор ҳақиқий санъат оламига кириб келганимни ҳис қилдим. Шу йили мен Андижон шаҳридаги Тўхтасин Жалилов номли мусиқа билим юртига ўқишга кирдим, бу билим юртига Андижонда машҳур бўлган «Киров» номли колхоз (раиси Абдуҳалил ака Исмоилов) ҳомийлик қилар эди. Мен раис тоғанинг уйида салкам 3 йил яшадим ва мусиқа билим юртида ўқидим. Бир куни раис тоғанинг уйига бир қанча таниқли санъаткорлар ташриф буюрдилар. Жумладан Мукаррама опа Турғунбоева, Комилжон Отаниёзов, Қаҳрамон Дадаев, Бахтиёр Йўлдошев, Тўхтахон Рисметова, Таваккал Қодиров, Абдулқосим Тўйчиев ва Абдураим полвонлар ўтирган уйдаги пианино устида менинг гармоним турар эди, Оллоҳнинг менга кўрсатган мурувватими, мўъжизасими Мукаррама опанинг кўзи гармонга тушиб қолди ва мендан «болам, бу кимники?» деб сўрадилар. Менки, деб жавоб бердим. Опа, чалишни биласанми? — деб сўрадилар. — Ҳа, — деганимдан кейин «Мунажот» куйини чалишимни сўрадилар. Мен чалиб бердим ва яна анча куйларни сўрадилар. «Роҳат» мусиқасига келганда Қаҳрамон ака доирани, Бахтиёр ака торни олиб менга жўр бўлдилар, опа эса ўйинга тушиб кетдилар. Мен учун ҳаётда ажойиб мўъжиза рўй бергандек эди. Шу куни мен устозларим имтиҳонидан ўтган эдим. Ўйин-кулги тўхтаганидан кейин Мукаррама опа мени «Баҳор» ансамблига ишга таклиф этдилар.

Орадан бир йил ўтиб, 1967 йили «Баҳор» ансамблига ишга келиш насиб этди. Бу бир йил ичида Мукаррама опадан 10 мартаба таклиф мактубини олдим, ҳар бир мактуб мен учун қанот эди.

— Сиз кўпинча ҳиндча қўшиқлар айтасиз, бунинг сабаби нимада?

— Биринчидан ўз миллати санъатини чин дилдан ҳис қилиб, севган одамгина бошқа халқлар санъатини сева олади. Мен нафақат ҳинд санъатини, Оврупо, Америка, Африка санъатларини ҳам севиб тинглайман ва айримларини ижро этаман, жумладан французча, японча, шведча, белгия куй ва қўшиқларини.

— Гастролларда қайси мамлакатларда бўлгансиз?

— Жаҳоннинг 60 дан ортиқ мамлакатида бўлдим, қисқасини айтганда, Антарктида музликларидан бошқа ҳамма қитъаларда бўлдим ва океан— денгизларни кўриш насиб этди, десам ёлғон бўлмайди.

— Сўнги вақтда ойнаи жаҳонда кўринмай қолдингиз, ёки баъзилар қатор тижоратга ўтиб кетдингизми?

— Ҳамманинг ўзига яраша ғамташвиши бўлади, шунингдек бизнинг ҳам, уни устига ёш ҳам ўтиб боряпти. Кейинги пайтда репертуарлар устида ишлашга, ростини айтсам, вақтим етмаяпти. Янги нарсаларсиз телевизор экранида кўринишни ўзим хоҳламайман. Тижоратга ҳам аралашиб кўрдик, лекин халқимиз айтганидек «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» экан.

— Сир бўлмаса, ҳозир қаерда ишлаяпсиз?

— Айни вақтда «Наврўз» хайрия жамғармасида маданият бўлими бошлиғи лавозимида ишлаяпман. Бу ерга келиб ишлаётганимдан ҳеч афсусланмайман, ўзим ташкил қилган гуруҳ билан хайрия концертлари ўтказиб турибмиз. Ночор оилаларнинг бир неча йиғинлари, суннат ва никоҳ тўйларини бепул ўтказиб бериб, уларнинг дуоларини олдик. Ушбу даргоҳга келиб ҳаётимнинг янги бир саҳифасини кашф этдим, десам янгилишмайман.

— Яқин орада ўз муҳлисларингизни қандай янги куй ва қўшиқларингиз билан мамнун этмоқчимиз?

— Бу йил фаровонлик, тўкин-сочинлик ва сербарака ижод йили бўлади деган умиддаман. Мухлисларимга бир қатор хазил ва ҳажвий қўшиқлар, гармонда ижро этилувчи бир қанча куйлар ва шарқ халқ қўшиқларидан тайёрланган дастуримни тақдим этиш ниятидаман. Энг асосийси эса, «Ўзбекистон-Ватаним маним» кўрик танловида ўзим куй басталаган оркестр, хор ва яккахон қўшиқчи томонидан ижро этиладиган Ватан ҳақидаги қўшиқ билан қатнашмоқчиман. Ҳозир тинимсиз ана шу ишим устида ишлаяпман.

— Айтингчи, сиз санъат йўлидан бориб, нимага эришдингиз?

— 30 йил профессионал саҳнада ишладим, бундан роса 25 йили ҳаётимнинг энг гўзал, қаймоқ ёшлик даври «Баҳор» ансамблида ўтди.

Дадам раҳматлик айтар эдилар: «ўғлим, меҳнат қилсанг, изланаверсанг, ҳамма нарса бўлади, ҳурмат-эътибор ҳам, обрў ҳам». Дадам айтганларидек, улкан санъат майдонида ўз ўрнимни топдим, «Муҳаммаджон гармон» деган ном билан оз бўлсада, танилдим. Отам ҳам Ўш театрида 50 йил ишлади, ўнлаб спектакларга мусиқалар басталади. Юзлаб қўшиқлар яратди, кўплаб шогирдлар етказди, халқ олқишига сазовор бўлди. Мен ҳам мана шу ўттиз йиллик йўлимда анча-мунча куй-қўшиқлар яратдим, булардан айримлари «Баҳор» дастаси репертуаридан жой олган. Шунингдек, телевидениеда бир неча видеофильмларга куй басталадим. Булар таниқли режиссер Толибжон Ҳамидов томонидан яратилган «Қабрдаги ҳазина», «Дардисар», «Бозор кўрмаган йигит», «Алла» кабилар. Яна Зебо Солиева режиссёрлигида «Она қалби» видеофильми, Ҳамид Қаҳрамонов режиссёрлигида Абдулла Орипов асари асосидаги «Жаннатга йўл» спектакларидаги куйлар. Уларни ҳар гал эшитганимда ўзим ҳам қандайдир тўлқинланиб кетаман. Ўзимга таскин бераман, вақт-умрим бесамара ўтмаганига шукрлар қиламан. Ўзбек санъатини дунёга танитган устоз ҳофизлар, хонандаю созандаларни эслайман. Санъатимиз юқори чўққиларга чиққан тарихий ленталарни кўриб, ўзимча таҳлил қиламан... Бор санъаткорларни жамлаб «Мустақил Ўзбекистонни яна дунёга танитайлик» — дегим келади. Кези келганда шуни ҳам айтай, ўнлаб хорижий юртларда сафарда бўлиб, юртларимизни куйлаганимдан фахрланаман. Умидсиз — шайтон, дейдилар, мен ҳам умидларимдан воз кечганим йўқ, ҳали ижодий режаларим кўп, ниятларим катта.

— Ниятларингиз амалга ошишига биз ҳам тилакдошмиз.

Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Суратда: кўргазма залида.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

ХИТОЙ АМАЛИЙ САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг кўргазмалар залида Хитой Халқ Республикаси амалий санъати кўргазмаси очилди. Кўргазма ХХРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси, «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси ва республика хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Бир ҳафта давомида кўргазмада Хитой амалий санъати намуналари, бежирим ҳайкалчалар, чинни буюмлар, тасвирий санъат асарлари, умуман, Хитой миллий маданиятини ўзида мужассам этувчи маҳсулотлар намойиш этилади. Мазкур кўргазма шуниси билан эътиборга лойиқки, унда намойиш этилаётган маҳсулотларни харид қилиш мумкин. Сотувдан тушган маблағ эса Оролбўйидаги экологик аҳволни яхшилашга, авваламбор, шу ҳудуддаги аёллар ва болалар соғлиғини ҳимоя қилишга сарфланади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэнгуан иштирок этди.

(ЎзА).

ХАЛҚАРО БЎЛИМ ОЧИЛДИ

ТошДУ журналистика факультети қошида халқаро бўлим очилди. 25 нафар йигит-қиз дастлабки сабоқни ола бошладилар. Янги бўлим очилганлигини Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари кенгаяётганлиги, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Миллий кадрларимиз юртимизнинг мавқеини оширишда ва дунёга танитишда хизмат қиладилар. Бўлим талабалари билан ўтказилган учрашувда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Қ. Аллаев, ТошДУ раҳбарияти вакиллари иштирок этдилар.

Одил ЭРГАШЕВ.

Билиб қўйган яхши

КИЙИМЛАРНИНГ САРАСИ

Қора ранг сира ҳам модадан чиқмайди. Аммо қора рангли кийимда кўркамроқ кўриниш учун қуйидаги қоидаларга амал қилишни тавсия этамиз.

- Қора рангли газлама оддий фасонни ёқтиради. Қора рангли кўйлакнинг яхши кўриниши ҳам унинг оддий тикилганлигидадир.
- Ҳеч қачон қора кўйлакни тикиш осон деб айтманг. У жуда ҳам мураккабдир. Қора ранг бошқа ранглар сингари ўзига хос сирларга эга. У ҳамиша ва ҳаммага ҳам ярашаверади.
- Қора рангли кийимни эҳтиёт бўлиб дазмолланг. Негаки қора рангда букланиб қолган жой кўзга яққол кўринади. Шу сабабли унга ҳўлланган дока билан ёки орқа томондан дазмол босган маъқул. Нотўғри дазмоллашдан пайдо бўлган доғ бир қисм нашатир ва тўққиз қисм сув аралашмасига ҳўлланган жунли мато билан артиб кетказилади.
- Қора рангли кийимга оқ белбоғ тиксангиз кийим чиройини анча очади.
- Агар қора рангли кўйлак устидан бошқа рангдаги нимча кийсангиз учинчи рангдаги кийимни сира ҳам аралаштирманг. Қора ранг фақат бошқа биргина рангни ёқтиради.
- Қора рангли кўйлак кийганда турли безакларни тақишдан сақланинг. Фақат биттагина, яққолроқ кўринадиган безак тақканингиз маъқул.
- Қора рангда чанг тез кўзга ташланади. Шу сабабли уни тез-тез тозалаб турингг. Агар аммиакли сувда ҳўлланган чўтка билан тозаласангиз дуруст бўлади.
- Ювганингиздан сўнг кийимни ағдариб соядa қуритинг.
- Тупроқ ёки бошқа нарса теккан қора рангли кийимни қуритиб тозаланг. Кофе ёки какао доғи теккан кийимни илиқ шўр сувда ювиб совуқ сувда чайқасангиз тез кетади. Бундай доғларни 1:1 қисмда олинган аммиакли аралашма билан ҳам кетказиш мумкин. Кофе доғи теккан жойни шунингдек иситилган глицеринга солиб 10 минутдан кейин илиқ сувда чайқаш билан ҳам кетказиш мумкин. Чой доғини эса тўрт қисм глицерин ва бир қисми аммиак аралашмаси билан кетказилади. Сут доғини совунли совуқ сувда ёки аммиак қўшилган сувда ювиб йўқотиш мумкин.

Шифокор огоҳлантиради

ОДАМГА ЎТИШИ ҲЕЧ ГАП ЭМАС

Ҳа, шундай, БРУЦЕЛЛЕЗ (ҚОРАОҚСОҚ) ҳайвонларда ва одамларда учрайдиган кенг тарқалган юқумли касалликлардан бири ҳисобланади. Уни қўзғатувчи микроблар бруцелла деб аталиб, бир неча гуруҳга бўлинади ва майда ҳамда йирик шохли ҳайвонларда, чўчқалар, каламушлар, итларда учрайди. Майда ҳайвонлар — қўй, эчкилардан юққан бруцеллез оғирроқ ўтади.

Касал қўй ва эчкилар гўшти, сут ва сут маҳсулотлари — пишлоқ, бринза, қаймоқ, ёғ ва бошқалар асосий юқиш манбаи ҳисобланади. Уларни истеъмол қилиш натижасида бруцеллалар оғиз орқали юқади.

Бруцеллезни қўзғатувчи микроблар ҳар хил озиқ овқатларда турлича вақт давомида сақланади. Масалан, сут ва сут маҳсулотларида 60 кунгача, тузланган гўштда 30-35 кунгача сақланиши кузатилган. Шунингдек, бруцеллалар ташқи муҳитга жуда чидамлидир. Ҳайвонлар ахлатида, ем-хашакларда 3-4 ойгача тирик қолаверади.

Бруцеллез билан ифлосланган гўнг, тупроқ ҳам инсон учун хавфли ҳисобланади. Чунки шамолда микроблар чанг билан кўтарилиб нафас йўли орқали одам танасига ўтади ва касаллантиради. Шуни ҳам унутмаслик керакки, муолажалар тахлили дарднинг оғиз орқали юқиши кўпроқ учрашини кўрсатди.

Саломатликка таҳдид солувчи бу касаллик одамларда турлича кечади. Хароратнинг кўтарилиши, узоқ давом этиши, вақти-вақти билан яна маромига келиши ва қайта кўтарилиши унга хос белгиларидир. Бундан ташқари, хасталик чоғида терида турли хил дермодитлар ва доғлар пайдо бўлиши мумкин. Лимфа безларнинг катталашуви, асаб тизими бузилиб, иштаҳа бўғилиши ҳам кузатилган.

Дард одамга ҳайвонлардан ўтиши назарда тутилиб, унинг олдини олиш билан боғлиқ дастлабки тадбирларни аввало, чорвачилик фермаларида амалга ошириш лозим. Бу мақсадда майда ва йирик шохли моллари бўлган шахслар, хўжаликларда бруцеллезга қарши эмлаш, касал молларни дарҳол соғломидан ажратиш тавсия этилади.

Бруцеллезга чалинган моллар сақланган жойларни, чиқиндиларни дезинфекция қилиш, улардан касал, чала туғилган наслларни махсус чуқурларга кўмиб ташлаш зарур.

Т. ЗУПАРОВ, Тошкент вилояти санитария эпидемиология станциясининг бўлим мудири.

Об-ҳаво қандай бўлади

ҚИШ ЧЕКИНМОҚДА

Қишнинг сўнгги кунларида ҳаво исиб, одамлар баҳор яқинлашаётганидан енгил тортган эди. Бироқ, Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ёққан қалин қор табиатнинг кутилмаган совғаси бўлди.

Об-ҳавони аниқлаш маркази мутахассислари хабарига кўра, бунга республика ҳудудида пайдо бўлган юқори циклон сабаб бўлган. Шунинг учун яқин кунларда ҳароратнинг кечалари 10-12 даража ва кундузлари 3-5 даража атрофида совуқ бўлиши кутилади. Туман тушиши ҳам мумкин. Тоғли туманларда қор кўчиши хавфи бор.

Мартнинг бошларида қиш тўлиқ чекина бошлайди. Кунлар кечаси 3-5 даража совуқ ва кундузи 1 даража совуқ билан 7 даража иссиқ ўртасида бўлади.

Халқимизда қишда қорнинг кўп ёғиши — йилнинг баракали келиб, юртда мўл-кўлчилик бўлишидан нишона, деган гап бор. Чунки қор кўп ёғса, деҳқон ёзда сувга зорикмайди ва эндигина ниш урган майсаларни совуқ урмайди.

Р. ШУКУРОВ.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

1996 йил — Олимпиада йили

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Атланта олимпиадасига ер куррасининг 197 мамлакатидан қарийб 10 минг спортчи тўпланади. Уларга хизмат қиладиган турли касб эгалари эса бундан ҳам ортади. Агарда Барселонада бўлиб ўтган аввалги олимпия ўйинларида 172 давлатдан 9700 спортчи қатнашган бўлса, бу сафар улар сафига янги-янги мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон спортчилари ҳам илк бор қўшиладилар. Бугунги кунда олимпия мусобақаларида қатнашишдек шарафли ҳуқуққа 41 спортчимиз сазовор бўлди. Яна 37 спортчимиз жаҳон, Осиё ва бошқа халқаро саралаш ўйинларида маҳоратларини синаб, ана шу рўйҳатдан жой олиш учун кураш олиб борадилар. Жумладан, ҳозиргача олти боксчимиз ана шундай йўлланма эгаси бўлишди. Булар, Дилшод Ёрбеков, Наримон Отаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Улуғбек Иброҳимов, Карим Тўлагановлардир. Куни кеча эса Таиландга яна олти боксчимиз жўнаб кетишди. Улар Бангкокда бўладиган навбатдаги саралаш учрашувларида олимпия йўлланмаси учун даъвогарлик қиладилар. Ажаб эмас, ана шу олти боксчимизнинг бир нечтаси олимпиячилар сафига қўшилса.

Бу мусобақаларда рингга чиқадиган спортчиларимиз билан танишинг: Дилшод Йўлдошев (48 кг.), Ҳикматилла Аҳмедов (51 кг.), Темур Туляков (54 кг.), Комил Шукуров (63,5 кг.) Темур Иброҳимов (81 кг.), Жамол Сайфуллаев (91 кг.).

Спартакиада дастури асосида

ЧИРЧИҚЛИКЛАРДАН ЎРНАК ОЛСАНГИЗ БЎЛМАЙДИМИ?

НУКУСДА шахмат бўйича Ўзбекистон спартакиадаси дастури асосида мусобақалар бошланди. Жамоалар икки гуруҳга бўлиниб мусобақалашишмоқда. Биринчи гуруҳни Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ташкил этган бўлса, иккинчи гуруҳда Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Тошкент вилояти ва Хоразм шахматчилари дона суришмоқда.

Тошкент вилояти терма жамоаси олти аъзосининг беш нафари Чирчиқдан, фақат бир шахматчи В. Егин янгийўллик. Бу чирчиқликлар учун катта шараф. Бироқ нега энди вилоят терма жамоасининг қарайиб 84 фоизини биргина шу шаҳар спортчилари ташкил этиши керак? Бу ҳол вилоятимиздаги бошқа шаҳар ва туман спорт мутасаддилари иззат нафсига тегмасмикан?

Чирчиқ спорт устаси У. Ибодлаев шогирдлари В. Егин, А. Белкин, Р. Кегиров, Р. Рашитов, С. Юсупалиева ва Е. Роговалар биринчи турда Сурхандарё жамоаси билан ўйнаб, 5:1 ҳисобида ғолиб келдилар. Бу дастлабки баҳслардаги энг йирик ҳисобдир. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. Андижон — Навоий — 3:3, Жиззах — Қашқадарё — 1,5:4,5, Фарғона — Самарқанд — 1,5:4,5, Наманган — Тошкент шаҳри — 3:3, Хоразм — Бухоро — 2,5:3,5.

Гуруҳ ғолиблари финалда чемпионлик учун ўзаро учрашадилар.

ЭЪЛОНЛАР

«Стройфинтраст»

вилоятлардан акциялар, облигациялар ва векселлар бўйича ишлайдиган мутахассисларни **ИЗЛАМОҚДА.**

Телефонлар: (3712) 45-48-51, 45-46-44.

Тошкент вилояти ҳокимлиги «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳаррири Фатҳиддин Муҳиддиновга падари бузруквори **Фазлиддин ота МУҲИДДИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти жамоаси газета муҳаррири Фатҳиддин Муҳиддиновга падари бузруквори **Фазлиддин ота МУҲИДДИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-065. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6